Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

**М.А. Ахмедова**

# К О Р Е Я
# Ф А Л С А Ф А С И

**(Қўлланма)**

Тошкент-2008

Ушбу очерк корейс фалсафаси тарихи бўйича нафақат Ўзбекистонда балки МДҲ давлатларида ҳам биринчи бор нашр этилган қўлланмадир. Қўлланмада корейс фалсафасининг тарихи қадимий Кореянинг дастлабки қарашларидан бошлаб XX аср фалсафий қарашларигача бўлган жараён ўрганилади. Қўлланма талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар, ва умуман, Узоқ шарқ минтакаси ҳалқлари маънавий дунёсининг шаклланиши билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

# К И Р И Ш

Совет китобхони учун корейс фалсафаси том маънода terra incognita эди. Г.Д. Тягайнинг ёзишича: «Ижтимоий фикр у ҳар қанча ривожланган бўлишига қарамасдан тадқиқот объекти сифатида совет қурияшунослари назаридан четда қолиб келган» [24:9]. Совет давридан кейин ҳам бундай ҳолат сақланиб қолаверди. Агар ғарб китобхонида корейс фалсафасига оид адабиётлар сони юзлаб бўлса рус тилидаги шунга оид нашрлар умумий маълумот тарзида бўлиб уларнинг сони бармоқ билан санарли даражададир.

Корейс фалсафий ва ижтимоий қарашларининг шаклланиш тарихи бўйича махсус тадқиқотчилар сифатида Анатолий Михайлович Ушков ва Галина Давыдовна Тягайларнинг номини тилга олиш мумкин. 1961 йили А. Ушков томонидан шимолий Кореялик файласуф Чон Чин Сок билан ҳаммуаллифликда Совет Иттифоқи Фанлар Академиясининг 6 жилдлик “Фалсафа тарихи” номли китобига корейс фалсафаси саҳифаси киритилган. [11:844-850]. Фалсафий қарашлар қадимий даврдан бошлаб олти жилд давомида тўлиқ берилиб борилган бошқа мамлакатлар фалсафасидан фарқли равишда корейс фалсафаси эса ярим саҳифадангина иборат бўлиб, унда қадимий давр ва XIX аср охири XX бошлари фалсафасига умумий тавсиф бериш билан чекланилган. 1962 йилда “Фалсафа муаммолари” («Вопросы философии») номли журналда А.М. Ушков корейс фалсафаси тарихига оид кичик бир мақолани нашр эттиради. [26:106-115]. Агар мақола эр.ав. IV асрдан XIX асрнинг охиригача бўлган тарихий даврни ўз ичига олганини ҳисобга олсак, табиийки, у ҳам умумий маълумотлардан иборат эканлигини англаш мумкин. Тадқиқотчиларга фикр билдириш учун бир-икки жумлалик кўпи билан бир абзацгина жой берилган. А.М. Ушков “Корея фалсафаси ва ижтимоий фикр” номли мақоланинг [31] ҳамда 5 жилдлик “Фалсафа қобуснома”сига киритилган кореялик файласуфлар

ҳақидаги мақолаларнинг ҳам муаллифидир. [28; 29; 30; 32; 33; 34; 35; 36]. 1982 йилда яна унинг муаллифлигида Шарқнинг утопик қарашлари жумладан, Хитой, Япония, Корея ва Вьетнам каби мамлакатларга оид моддийлар асосида бир рисолани нашр эттиради. [28]. Рисола мутахассисларга мослангани учун унда корейс файласуфларининг фақат ижтимоий-сиёсий қарашларигина ёритилган. Г.Д. Тягай [24; 25] асарларида ҳам корейс ижмтимоий фикрлари асосан айнан шу жи**х**атдан ёритилган.

Корейс фалсафаси тарихи билан тўлиқроқ танишишда корейс тилидан рус тилига ўгирилган КХДР ФА қошидаги Фалсафа институти ходимлари томонидан яратилган рисоланинг аҳамияти каттадир. [37]. Унда Қадимги Чосондан XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган корейс фалсафасининг барча мактаблари ва маълум даражада таниқли бўлган вакиллари ҳақида маълумот берилган. Китобнинг катта аҳамияти шундан иборатки, унда манбаълардан – корейс файласуфларининг асарларидан и**к**тибослар жуда кўп берилган бўлиб бу уларнинг қарашлари ҳақида аниқ тасаввур хосил қилишда муҳим манбаъ бўлиб хизмат қилади. Манбаълардаги матнларни ўрганиш ғарб фалсафасидаги барча оқимлар ва тушунчаларни шарқ фалсафа тизимига нисбатан тўғридан тўғри қўллаш ҳар доим ҳам тўғри эмаслигини ва ўзини оқламаслигини кўрсатди.

# 1 Боб Қадимий Кореядаги диний - мифологик тасаввурлар ва дастлабки фалсафий қарашлар

## Қадимий Кореяда мифология ва шаманизм

Тотемизм асоратлари – инсоннинг ҳайвонот, ўсимлик ва бошқа жисмлар гуруҳининг сирли дунёси билан боғлиқлигига бўлган ишонч – корейс ҳалқининг турли миф ва ривоятларида, ҳамда уларнинг қадимий рассомчилик санъатида мавжудлигини кузатиш мумкин. Шундай қадимий мифлардан бири бу “Тангун ҳақида афсона” бўлиб у корейс ҳалқи ва давлатининг қадимийлигини ифодаловчи мифдир. Ушбу мифга кўра, осмон маъбудининг ўғли шаҳзода Хванун Тхэбоксан тоғида “Маъбудлар макони”ни қурган. У одамларни фойдали ишларга ва билимларга, жумладан, деҳқончилик, табибчилик, дурадгорлик ва тикувчилик санъатларига ҳамда балиқчиликка ўргатади. У пайтларда тоғда инсонга айланиб қолиш хоҳишидаги айиқ ва йўлбарс яшар эдилар. Шунда Хванун уларга агар сиз ғор ичида юз кун саримсоқ пиёз ва доривор ўтлар истеъмол қилиб яшасангиз истагингиз амалга ошади деб айтган экан. Айиқ бу шартни бажарган ва бир аёлга айланган. Аёлга айланган айиқ Хванунга турмушга чиқиб бир Тангун исмли ўғилни туққан ва эр.ав. 2333 йилда Пхеньянда у Чосон ёки Қадимий Чосон давлатига асос солган. [17:16].

Айиқдан ташқари корейсларда яна бошқа ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган ривоятларни ҳам кузатиш мумкин. Қадимий Силла қабиласининг асосчиси саналган онабоши ривоятларга кўра товуқ тумшуғи билан туғилган эмиш, Силла қабиласининг “асосчиси” бўлган унинг фарзандини эса хўроз қўриқлар экан. Бошқа афсоналарга кўра Қадимий Кореядаги Пуё давлати ҳукмдоридан бирининг келиб чиқиши “олтин қурбақа” авлодидан, ҳамда Сок сулоласи эса зағизғон қушидан дейилади. Пуё давлатида “зодагонлар

уйлари” от, сигир. чўчқа ва итлар зотидан деб саналган. [6:148-151]. ***Емэк*** қабиласи эса йўлбарсга сиғинар экан [8:45]. Корейс мифлари ва культлари тадқиқотчиси Ю.В. Ионова “қадимий ота-боболарнинг руҳини ҳам ҳайвонлар билан боғлаш илк диний қарашларга хосдир” деб ёзади. Корейсларнинг қадимий диний қарашларига кўра инсон оламдан ўтганидан кейин от, йўлбарс, чўчқа, илон, тулки ёки қарғага айланар экан. Бундай алоқа кўмиш маросимларидаги турли расм-русумларда, масалан, мурдани қандайдир ҳайвон терисига ўралиши ёки рақслардаги ўша ҳайвонга хос бўлган хатти-ҳаракатлар билан асослаган. Инсон ўлганидан кейин бирон бир ҳайвонга айланишига бўлган ишонч корейсларнинг турли қадимий мифларида ўз аксини топган. [6:155].

Анимизм ва шаманизм корейс ҳалқининг мифологик дунёсида алоҳида аҳамият касб этади. Анимизм асоратлари Корея ҳудудидаги турли қадимий жойларнинг қазилмаларида топилган. [8:42]. Ўзининг кўп асрлик тарихи давомида корейсм ҳалқи доим табиатни ило**х**ийлаштириб уни саноқсиз сирли руҳлар ва ёвуз кучлар билан боғлаб келган. Руҳлар ва ёвуз кучлар ҳар ерда мавжуддир. “Улар ҳар бир дарахт тагида, ҳар бир ташландиқ ерда, оқаётгн сувда ва тоғ бағрида яшайди. Ҳар бир том, бурчаклар, **к**увурлар, хонадонлар, ошхоналар улар билан тўлган. Улар ҳар бир кўзада ва токчаларда мавжуд. Корейс хонадонининг ҳар бир бурчаги ёвуз кучларга бўйсунган. Улар ҳар бир корейсни умр бўйи кузатиб юради”.[20:402]. Руҳлар ва ёвуз кучлар истаган қиёфага, шу жумладан ғаройиб ҳайвонлар қиёфасига ҳам кира олиш хусусиятига эгадир. Корейс мифлологиясида ғаройиб ҳайвонлардан аждаҳо, бир шохли кирин**, к**а**к**нус қуши ва бошқалар мавжуд. Энг олий даражада шаклланган, аёл ва эркак синтезини ўзида тўлиқ акс эттирган ҳайвон “*кирин*” ҳисобланади. («ки» - эркак, «рин» - аёл»). У танаси пўстлоғи билан ўралган ва битта юмшоқ шохли кийик қиёфасидадир. Кирин ўзида дунё пайдо бўлишининг

дастлабки беш элементилари: сув, олов, дарахт, металл ва ерни мужассамлаштирган. У шу билан бир қаторда ўзида қадимги корейсларнинг аксиологик қадриятларини ҳам акс эттирган. Кирин тинчлик, бахт, тўғрилик ва ҳақгўйлик рамздир. [20:404-406]. «Кирин» образида корейс фалсафасининг мифологик қарашлардан келгуси тушунчалар ва образларга аста-секин ўтиш жараёнини: дунё яралишининг аёл ва эркак даврини (ян и ым), дастлабки беш унсур таълимотини (сув, олов, дарахт, металл ва ер), инсоният ва дунё тараққиётининг бирлиги (осмоний “ли” таълимоти)ни кузатиш мумкин.

Корейс мифологиясида фақат фантастик ҳайвонларгина эмас, балки оддий ҳайвонлар ҳам ғайритабиий куч-қудратга эга қилиб тасвирланади. Корейс ҳалқида ўлганларнинг руҳига ишонч жуда катта аҳамият касб этади. Шуни таъкидлаш лозимки, тириклар ва ўликлар руҳий оламининг ўзаро муносабати тизими корейслар дунёқарашини ўрганишда муҳим бир омилдир, чунки бу таълимот уларнинг яшаш тарзида, **ҳаёт**нинг муҳим босқичларида, турли масалаларни ҳал қилишида бутун умри давомида алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, корейслар танадан алоҳида равишда мавжуд бўлган руҳ тушунчасини тан олмайдилар. Улар тушунчасида руҳ инсоннинг тириклигини таъминловчи омилдир. Руҳнинг бу хусусияти инсон оламдан ўтиши билан тугайди ва фақат буюк шахсларнинггина руҳи ўлганидан кейин ҳам сақланиб қолади. [7:167-168]. XIX асрнинг охирида Кореянинг зиёрат қилган тадқиқотчи Н.Г. Гариннанинг таъкидлашича, корейсларнинг руҳ ҳақидаги анъанавий тушунчаларини қуйидагича таърифлаш мумкин.

Инсонда бир эмас учта руҳ мавжуд экан. Бири инсон ўлганидан кейин самога олиб кетилади (ханыр); уни учта фаришта (яхшилар руҳи) гўзал боққа(син-тён) олиб кетади. Боғ раҳбари Оконшанте уни сўроқ қилади, ерда қилган гуноҳлари ва яхшиликларига қараб уни яна қайта ерга ўша танага юборади ёки гўзал боғда қолдиради, ёки бирон бир

ҳайвон қиёфасига киритади. Иккинчи руҳ эса тана кўмилган ерда қолади ва уни дўзахга (уни ҳам уч фаришта) олиб кетадилар. Учинчи руҳ эса **ҳаво**да, ўз яшаш жойига яқин қисмида қолади, уни эса фаришта олиб кетар экан.

Ўлганлар руҳи ғамхўрликни талаб қилар экан. Биринчи руҳга ғамхўрлик Оконшатенинг қарорига боғлиқ. У ерга, ўз танасига қайтарилиши мумкин, бу уч, беш, етти ва ундан ортиқ кунлардан кейин амалга ошар экан. Кўмилиш кунини шаман белгилайди. Иккинчи руҳга ғамхўрлик – танада қолган руҳ – уни бахт тоғини топиб унинг этагига кўмиш билан боғлиқ. Бундай ерни топгунча мурда бир неча марта мозордан олиб янги ерга кўмилаверади. Учинчи руҳга ғамхўрлик эса ҳеч қачон тугамайди. Баъзан уни озиқлантириш керак, бунинг учун шаман чўчқа сўйиб гуруч қайнатиб уларни ибодатхона жойлашган тоққа олиб боришни буюради. Яна қайсидир ота-боблардан бирининг руҳи хафа бўлган бўлса уларни яна йўқлаш керак бўлади. [2:110-111]. Корейс ҳалқида ўликлар руҳига бўлган бундай ғамхўрликни улар дунёқарашидаги тириклар ва ўликлар дунёсининг ўзаро боғлиқлик тизиминииг кучлилиги ва ўликлар руҳининг тириклар дунёсига таъсири билан асослаш мумкин. Қадимий корейсларнинг ота-боболар руҳига сиғиниш ва ғамхўрлик қилиши асосида “турли расм-русумларнинг ижобий таъсирига, руҳнинг “**ҳолат**и” ва “фаолияти”ни назорат қилиб турищдаги муҳим бир омил эканлигига ва руҳнинг оила манфаати йўлидаги ижобий ишларда “фаоллиги”нинг муҳимлигига бўлган ишонч ётади. [27:41].

**Қадимий Чосонда дастлабки фалсафий қарашларнинг шаклланиши**

Қадимий Чосондаги дастлабки фалсафий қарашлар Хитой таъсирида шаклланган. Қадимий корейс файласуфлари дунёни иккита омиллар: эркак, ижобийлик, яхшилик, фаоллик рамзи бўлмиш ***ян*** ва аёл, салбийлик, ёвузлик ва фаол бўлмаслик рамзи бўлмиш ***ым***нинг ўзаро таъсири, чатишуви ва аралашувидан пайдо

бўлган деб тушунган. Дунё асосининг иккала кучи (*янки*: *ки* - яхшилик ва *ымки* - ёвузлик) хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ***ки***нинг комбинацияси ҳамда беш асосий **стихия** сув. ер, олов,  металл ва дарахт асосида ер ва осмон пайдо бўлди. Беш унсурнинг турли таркибий қисмда эканлиги сифат ва миқдор жиҳатдан турли мавжудотларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. [26:106].

Айнан мана шу беш элемент турли шохликлар сулоласининг пайдо бўлиш асосида ҳам ётади. Ҳар бир сулола унга азалдан берилган хусусиятлар ва унга асос бўлган элемент (ер, сув, олов, металл ва дарахт)га хос бўлган “ижобий сифатлар”га асосланган ҳолда **ҳукм**ронлик қилган. Бу стихиялар аста-секин бир-бири билан ўрин алмашаверади: ер дарахт билан, дарахт металл билан, металл олов билан, олов сув билан. Айнан мана шу алмашишлар ҳукмрон сулоларга ҳам хосдир. «Ҳар бир сулола ҳукмронлиги даврида унга асос бўлган стихияга хос ижобий сифатлар ўзининг тараққиёт чўққисига эришади. Осмон  сулолаларининг **ҳукм**ронлик муддатини ўз **ҳукм**и билан тугата олмаслиги сабабли у бу ишни кейинги сулолага хос бўлган **к**арашлар асосида амалга оширади. Жумладан, дарахт стихиясига хос бўлган сулоланинг ҳукмронлик муддати тугаганини англатувчи белги қуриган ва барглари тўкилаётган дарахтдир» [37:23].

*Ки* тушунчаси (*ымки* ва *янки*) инсон руҳи ёки корейслар тан олганидек руҳларнинг ҳам асосида ётади. *ЫМки «пэк»*ни – ўлимдан сўнг эса «девга» айланадиган руҳни **ҳам**да *янки* - «*хон*»ни «руҳларга» айланадиган (ақлли руҳ)ни яратади. Корейсларда «хон» қайта туғилувчи руҳ сифатида тан олинади. Реинкарнация, руҳнинг инсон ёки ҳайвон қиёфасида қайта туғилиш ғояси айнан шу руҳ билан боғлиқ. Ушбу ғоя буддизмдаги «руҳнинг қайта туғилиш». ғоясига яқиндир. Лекин у Кореяда тотемизм билан боғлиқ б**у**лган ҳолда анча қадимий анъанадир. [7:171-172].

## 2 Боб. Уч давлат ***ҳукм***ронлиги даврида конфуцияичилик, буддизм ва даосизм фалсафаси

Эр.ав.1 асрга келиб Корейс ярим оролида уч йирик давлат шаклланди: *Когурё (*эр.ав. 37 – 668 йиллар), *Силла* (эр.ав.57 - 668 йиллар) ва *Пэкче* (эр.ав. 18 – 660 йиллар). Уч давлат ҳукмронлиги даврида *ян* ва *ым* ва дастлабки беш унсур ҳақидаги таълимот ўзининг кейинги ривожини топди. Беш унсур таълимоти эса бу даврга келиб дунёнинг яралиши ҳақидаги антологик бир таълимот тизимига айланди. Ҳар бир унсур учун маконда аниқ бир ҳудуд ва ранг белгиланди: ерга – марказ ва сариқ ранг, дарахтга-шарқ ва яшил ранг, металлга-ғарб ва оқ ранг, оловга-жануб ва қизил ранг, сувга-шимол ва қора ранг. Беш унсурлик тизим универсал тизимга, табиат ва жамиятда ўзгарувчан жараёнларни англаш, афсона, матн ва хабарларнинг сирли маъносини тушуниш калитига айлана борди. Бу уч давлат ҳукмронлиги даврида кейинчалик Корея ярим оролида ҳукмрон таълимотга айланган: буддизм, даосизм ҳамда илгари пайдо бўлган конфуцияичилик тизимининг диний-фалсафий таълимотлари кенг тарқала бошлади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу таълимотлар корейсларнинг дунёни тушуниш борасидаги қадимий диний-мифологик илмларини сиқиб чиқармади, «аксинча ундан кўпгина тушунчалар ва билимларни мавжуд даврга мослаган ҳолда қабул қилди» [20:401].

**Конфуцияичилик**

Конфуцияичилик Кореяга Қадимий Чосон даридаёқ кириб келди. 372 йилда эса Когурё давлатида зодагон оилалар таълим оладиган ***тхэкак*** номли конфуцияичиликнинг олий мактаби ташкил этилди. Булар билан бир қаторда оддий ҳалқ учун ***кендан*** номли конфуцияичилик мактаблари турли вилоятларда фаолият кўрсатиб келди. IV асрда конфуцияичилик Пэкчега, VI асрда эса Сила давлатларига кириб борди.

Бу даврда конфуциячилик асосида худонинг куч-қудрати ва барча нарса ва ҳодисаларни бошқарувчиси сифатида Осмонга сиғиниш кучайиб борди. Ота-онага ҳурмат, шохга ҳалқнинг садоқати, кичикларнинг катталарга бўйсуниши, аёлнинг эрини ҳурмат қилишига асосланган конфуциячилик бу даврга келиб давлат қурилиши ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг асосига айланди. Ҳурмат тушунчаси бутун жамиятга сингиб борди: оиладан тортиб бутун давлат миқёсида, натижада  давлат-оила деган ижтимоий модель шаклланди.

Корейс конфуциячилиги маҳаллий расм-русумларни ҳеч қандай тўсиқсиз, муаммосиз қабул қила бошлади. Масалан, унда ота-боболар ва буюк шахслар руҳига ғамхўрлик қилиш кенг ёйила борди. (Конфуций, хитой мифологиясидаги ҳикоялар ва корейс ҳалқининг тарихий қаҳрамонлари), қурбонлик келтириш ва сиғиниш учун қурилган ибодатхоналардаги  руҳлар (маҳаллий ерлар, тоғлар, сувларни, ҳамда табиат кучларини – осмон, ер, шамол, ёмғир ва бошқаларни **х**имояловчи). Конфуциячиликда руҳсат берилган ота-боболар руҳига ғамхўрликнинг ўзига хос томони шундан иборат эдики, «ўлган киши руҳининг яхши ёки ёмон ҳолатда бўлиши ва, шунга кўра, уларнинг ўз авлодларининг ҳаётига бўлган таъсири авлод томонидан урф-одатларга риоя қилинишига,  ўз навбатида уларнинг маънавий ахлоқига ҳам боғлаган **ҳолда** талқин қилинган. Боболар руҳига сиғинишда икки дунёнинг (ўликлар ва тириклар дунёси) ўзаро таъсирига оид икки нарсани кузатиш мумкин. Қурбонлик келтириш ва турли маросимлар ўтказиш билан тириклар боболар руҳининг, у тириклигида қандай инсон бўлганидан қатъий назар, тинчлигини таъминлай олади, иккинчи  томондан, худди шу маросимлар боболарнинг ўз авлодига бўлган муносабатини юмшатишга, агар улар бунга лойиқ бўлса бўлмаса, эриша оладилар.

Конфуциячилик беш унсур ҳақидаги таълимотни ҳам қабул қилди. Буни  конфуциячиликда мавжуд бўлган

жамиятдаги беш хил муносабат (монарх ва қўл остидагилар муносабати, ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабат, эр-хотин ўртасидаги муносабат, катталар ва кичиклар ўртасидаги муносабат, дўстлар ўртасидаги муносабат) ҳақидаги таълимотдан **ҳам**да маънавиятнинг беш асосий хусусияти ҳақидаги таълимотдан (бағрикенглик, тўғри фикрлаш, тўғри ахлоқ, билишга интилиш ва **ҳақ**қонийлик) яққол кўриш мумкин.

**Будда-вийлик** Буддавийлик – аниқроғи унинг Махаяна номли йўналиши, Кореяга эрамизнииг IV асрида Ҳиндистон ва Хитой миссионерлари томонидан олиб кирилган эди.

Корея ярим оролида буддизм маҳаллий динлар таъсирида ўзига хос хусусиятлар билан бойиди. Будда бу ерда мавжуд сиғиниш объектларига, боболар руҳи ва табиий кучларга сиғинишга қарши қўйилмади, аксинча, «улар билан бир қаторга қўйиб, бир-бирини тўлдирувчи ва боболар руҳига бўлган эътиқодни кучайтирувчи маъбуд сифатида қабул қилинди» [8:78]. Силлада буддавий байрамлар саккиз руҳга: осмон, буюк тоғлар, буюк дарёлар, ажда**ҳол**ар ва бошқа руҳларга бағишланган «Пҳальгванхе» байрами билан биргаликда нишонланар эди. Когурёда осмон ва ғорлар руҳига сиғинилар эди. Пэкчеда эса Осмон ва Ер руҳига сиғинилар эди.

Қисқа вақт ичида буддавийлик учала давлатнинг юқори табақалари орасида тарқалди. Тез кунларда эса буддавийлик **ҳукм**рон динга айланди.

Буддавийлик Кореяда тарқала борган сари ўзига хос хусусиятларга эга бўла бошлади. Илк даврларда унинг таркидунёчилик ғояси, яъни дунёвий истаклардан воз кечиш ва руҳни поклашга йўналтирилган тўғри ахлок-одоб йўлидан бориш алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Таркидунёчиликни тарғиб этиш Силла шохининг маслаҳатчиси бўлган ва давлат назариясига айланган «саккиз нарсадан воз кечиш» дастурини ишлаб чиққан руҳоний

Херяна номи билан боғлиқдир. Ман этилган саккиз нарсаларга қуйидагилар кирар эди: «Тирик жонзотни ўлдирмаслик, ўғирликка қўл урмаслик, дангасалик ва бемаъни хулқли б**у**лмаслик, сўзлашувда бемулоҳазалик, хулқда нокамтарлик**,** ичкиликка берилмаслик, хушбўй ҳидлардан фойдаланмаслик, гуллардан узоқ юриш, роҳатланишдан ўзини тийиш» [37:33].

Тез орада Кореяда ортодоксал буддавийликдан фарқли равишда турли диний секталар, мазхаблар пайдо бўла бошлади: Вон Хё (617–687 гг.) ташкил этган Хэдончон мазхаби (шарқ денгизлари мазхаби), ЫЙ Сан (624–702 йилла) томонидан ташкил этилган «Хэдон хваомчон» мазхаби, шунингдек руҳоний Вон Кван қарашларини санаб ўтиш мумкин.

Вон Хё спиртли ичимлик ичишни, қўшиқ ва рақслардан завқланишни уятли деб ҳисобламаган**, ҳатто** ўзи уйланди ва тўлиқ таркидунёчиликни тарғиб этувчиларга қарши чиқди. Унинг фикрича Махаяна мактаби ғоясининг туб моҳияти барча нарсалардан буткул воз кечишда эмас, балки кўнгил поклигидадир**.** Руҳонийларнинг ўзини тийиши ва онт ичиши фойдасиздир, агар кўнгил пок бўлмаса. «Мен» индивидуал руҳ, онг деган руҳий дунёга файласуф деярли **онотологик** даражани беради. Айнан «мен»нинг руҳи нарсаларнинг тартибини белгилайди: «Бутун дунё – фақат менинг онгимда, дунёнинг барча қонунлари эса – фақат менинг руҳимда» [8:127 дан иқтибос]. Бунга ҳатто барча нарсаларнинг энг дастлабки асоси бўлмиш дао ҳам киради: «**Ҳатто** «дао» («йўл») барча нарсада мавжуд бўлса ҳам ахир оқибат у азалий руҳга бориб тақалади » [ 37:35 дан иқтибос].

ЫЙ Саннинг таъкидлашича, **ҳатто ҳа**қиқат ҳам руҳдадир. **Ҳа**қ йўлидан боришни инсоннинг босган қадами орқали аниқланиши лозим: «буддавийлик қонун-қоидалари тенгликка асосланган, шу боис улар учун юқори табақа, қуйи табақа, олийлар ёки пастлар деган тушунчалар бегонадир.» [8:127дан иқтибос]. Ҳашаматли пойтахтда яшаб нотўғри

йўлдан юргандан кўра шох бўлса ҳам хужрада яшагани фойдалироқ деб **ҳисоб**лаш Ҳақ йўлидан туриб бошқарилаётганини англатади.

Вон Кван ҳам, шунингдек, ортодоксал буддавийликнинг догмаларидан фарқ қилувчи таълимот билан чиққан. Яъни, у ортодоксал буддавийлик таълимотига қарши равишда тирик жонзотни ўлдириш (албатта бесабаб эмас)мумкин деган ғояни кўтариб чиқади. Ундан ташқари у ўзининг этик қоидаларидан бирида урушда қон тўкишдан, жангда қўрқмасликни талаб этиш эди.

**Дао сизм**

Даосизм – хитой файласуфлари Лао-цзы ва Чжуан-цзы таълимоти. – Корея яриморолига VII аср бошларида кириб келган.

Даосизмга кўра, дунё асосида бош негиз сифатида ***ки*** («**ци**» - хитой даосизмида) ҳамда ҳаётнинг ҳаракат ва ўзгариш қонуни ***до*** («**дао**» - «**йўл**» хитой даосизмида) ётади. Барча нарсалар доимий ўзгаришдадир. Давлатни бошқаришда донишманд ҳукмдор даога – нарсаларнинг табиий ҳаракатига **ҳал**ақит бермаслиги керак. Давлатнинг ҳақиқий инқирози ҳукмдорнинг даога **ҳал**ақит беришидан бошланади. Даосизм тарафдорлари бу таълимотни амалда ҳам қўлладилар. Пэкче ҳукмдори Когурёга бос**к**инчиликни такрорланганида унинг қўмондони Мак Го Хэ бостириб бормасдан илгари шу билан чекланишни таклиф этган ва бу фикрини шундай асослаган: «Бизга қадимдан даоларнинг қуйидаги ривояти маълум: «Агар меъёрини билсанг уят эмас, вақтида ўзингни тўхтата олсанг хавф мавжуд эмас. Биз энди кўп нарсага эга бўлдик, биз яна ҳам кўп талаб қилишимиз лозимми?» [ 37:37дан иқтибос].

Даосизм секин-аста кучая борди. Унга буддавийлик ва конфуциячиликнинг муҳим бир тармоғи деб қарала бошланди. «Уч давлатнинг тарихий йилномалари» («Когурё ёзишмалари) даосизмнинг таъсир кучи ҳақида шох саройи амалдорларидан бирининг тилидан шундай муносабат билдирилади: «… Уч муқаддас таълимот (конфуциячилик, буддавийлик ва даосизм)

бамисоли қозоннинг уч оёғи, унинг ҳатто биттаси бўлмаса ҳам билинади.

## 3 Боб. Қўшма Силла ва Корё давлатлари ҳукмронлиги давридаги фалсафа тараққиёти

Когурё, Пэкче ва Силла давлатлари ўртасида доим ўзаро урушлар бўлиб турар эди. Охир оқибат улар Силла давлати бошчилигида ягона давлат сифатида бирлаштирилдилар. Бирлашган Силла давлатининг гуллаб яшнаши (668-935 йй.) VIII асрнинг ўрталарига тўғри келади. Шохликда ибодатхона маросимлари, меъморлик, илм-фан, китоб нашри (ксилография усулида), санъат, адабиёт, савдо кенг ривожланди. Иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди. Лекин Корё ва Пэкче давлатлари таркибидаги енгилган сулолаларнинг қарши чиқишлари, ҳамда давлат раҳбарлари орасидаги зодагонларнинг ҳукуматни ўз қўлига олиш учун **к**илган турли ҳаракатлари давлатни анча кучсизлантириб борар эди. Натижада Силла ўрнига Корё сулоласи ҳукумат тепасига келади (918-1392 йй.).

Корё давлатининг ютуқлари ҳам кўзга кўринарли ва аҳамиятли бўлди. Бунга асосан савдо, илм-фан (астрономия, математика, география, фармокология)нинг тараққиёти, Гутенбергдан икки юз йил илгари, 1234-йилда биринчи бор юрадиган металл ёзувнинг кашф этилиши, 80 000 дарахт пўстига ёзилган буддавийлик сутралари тўлиқ тўпламлари кутубхонасининг ташкил этилиши, «Самгук саги» («Уч давлатнинг тарихий ёзишмалари») ва «Самгук юса» («Уч давлатнинг унутилган фаолиятлари») каби солномаларнинг тузилиши, шахсий мактабларнинг кенг миқёсда ёйилиши ва бошқалар.

Бу давр фалсафий қарашларида беш унсур ҳақидаги таълимот ҳали сақланиб қолган эди. «Корё тарихи»да на фақат дунёнинг тузилиши, балки яхшилик ва ёмонликнинг сабаблари ҳам кўрсатилади. «Осмонга беш хил ҳаракат, ерга

бешта унсур хосдир. Инсон ҳаёти уларнинг ўзаро таъсиридан иборатдир. Улар инсон танасидаги беш аъзодан чиқади ва ташқи дунёдаги беш аломатда ўз ифодасиии топади. Шундай қилиб, агар уларни жиловлаб турилса ҳамма нарса изидан чи**к**май туради, аксинча жиловланмаса бу ҳолда у яхшиликка олиб келмайди. Биринчиси – яхшилик аломати, иккинчиси эса ёмонлик, тартибсизлик олиб келади» [37:50дан иқтибос].

Шундай қилиб, ўз таркибига инсон, билиш ва маънавият ҳақидаги билимларни, беш унсур таълимотини бириктирган ҳолда космогоник, географик макон, ижтимоий, антропологик, гносеологик ва этик томонларни ўзида мужассамлаштирган тўлиқ бир тизимга айланди. Бу тизим нафақат дунёни тавсифлаб берувчи, балки изоҳловчи ва олдиндан айтиб берувчи бир тизим вазифасини ҳам бажара бошлади. Бу тизимга илова объекти сифатида турли туман нарсалар кириши мумкин эди: табиатнинг даҳшатли сирли ҳодисалари маъноларини ва йирик тарихий воқеаларни изоҳлашдан тортиб, то яшаш жойини танлашгача бўлган муаммоларни ечиб бера олган.

Буддавийлик давлатнинг расмий дини сифатида ўзининг тараққиёт чўққисига етди. Буддавийлик монастирлари ўз ҳисобида каттагина бойлик ва маҳаллий ҳукумат томонидан берилган ерларни тўплаб катта таъсир кучига эга бўла борди. Улар бождан ҳам озод қилиндилар. Буддизм авлиёлари давлат миқёсида ҳам каттагина лавозимларни эгаллай бошладилар.

Буддавийлик «кёчон» ва «сончон» секталарига бўлинган. Агар биринчи сектада буддавийлар тарғиб қилган ҳақиқатга ақл, илм орқали эришиш мумкин бўлса, иккинчи сектада эса ички ҳиссиёт – туйгу орқали эришиш мумкинлиги тарғиб қилинган. Кореядаги «сончон» сектаси Хитой буддавийлигининг *чань* ва япон буддавийлигининг *дзэн* сектаси билан деярли бирдир. Булардан ташқари анъанавий буддавийликдан фарқ қилувчи бошқа секталар ҳам ташкил топган. Жумладан, ўзини Будданинг Мирыком номли янги

ҳаётига қайтган деб эълон қилган Кун Е таълимотида «дунёни сақлаб қолиш» ва инсониятга ер юзидаги жаннатни яратиш ғоялари пайдо бўла бошлаган. Бирлашган Силлада учдавлат ҳукмронлиги давридаёқ вужудга келиб *«Хваран»* («Яшнаётган ёшлар») ташкилоти мафкурасининг асоси ҳисобланган *«пхунню»* таълимоти муҳим аҳамият касб этган. Ушбу ташкилот давлат миқёсидаги лавозимларга ёшларни танлаш мақсадида тузилган эди. Унинг аъзоларига ҳарбийлик санъати, адабиёт, маънавият асослари, каллиграфия ўқитилган. «Хваран»да таълим-тарбия беш тамойилга асосланган бўлиб, у Вон Кван томонидан ишлаб чиқилган: давлат раҳбарига садоқат, ота-онага **ҳурмат**, дўстлар билан самимийлик, урушда жангдан қочмаслик ва тирик жонзотни сабабсиз ўлдирмаслик. «Хваран» таълимоти буддавийлик, конфуциячилик ва даосизм ғояларини ўзида мужассамлаштирган. Ўша даврнинг таниқли файласуфи Чхве Чхи Вон (858–951 гг.) «пхунню»: ғояларини шундай таърифлайди: «Улар (шогирдлар, ёки хваранлар) уйда яхши (намунали)хулқи билан, ташқарида эса, – Конфуций таълимотига кўра, ўз шохига садоқатлилиги билан ажралиб турадилар. Кўз илғамас амалиётларни бажаришда, ёки сўз билан таърифлаш ожизлик қиладиган эътиқодга риоя қилишда Лаоцзы принципларига асосланадилар. Ёвузликка қўл урмаган ҳолда фақат яхшиллик амалларини бажаришда эса улар Сакья Муни таълимоти йўлидан борадилар». [12:136].

Бирлашган Силла ҳукмронлиги ҳамда Корё даври охирларида То Соннинг *«чири пхунсусоль»* номли таълимотида буддавийлик таълимоти олдиндан кўра билиш – геомантия таълимоти билан бирлашиб кетади. Бу таълимот *ым* ва *ян*нинг ўзаро муносабатларининг талқинига асосланган гексограмм, яъни олдиндан кўра билиш тизимидан иборатдир. Таълимотга кўра яшаш жойини, ота-боболар мозорини, давлат пойтахтларини танлаш ва уларни макондаги ўрнини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Гап шундаки, геомантияда ер юзига алоҳида эътибор қаратилади. Лекин ерда ҳаёт энергияси ҳар ерда бирдек тақсимланмаган. Шу боис, яшаш жойлари ва ота-боболар мозори энергия максимал даражада бўлган жойда бўлишини таъминлаш лозим. Одамлар сунъий йўллар билан (ерни ишлаш ёки буддистлар минораларини қурдириш) объектлар жойлашган ерларга салбий таъсир қилишлари мумкин. Жойни тўғри танлашда кўпгина омилларни **ҳисоб**га олиш геоментияни олдиндан кўра билишнинг мураккаб бир тизимга айланишига сабаб бўлди.

Корё ҳукмронлиги даври конфуциячилик ва буддавийлик ўртасидаги рақобатнинг кучайиши билан тавсифланди. Буддавийлик ҳукмрон дин бўлишига қарамасдан, у маънавият асоси, конфуциячилик эса давлат бошқаришнинг асоси саналган. Буддист монастирлари томонидан ерларни эгаллаб олишга бўлган қаршиликлар, конфуциячилик, даосизм ва маҳаллий секталар мафкурасининг буддавийлик мафкураси билан қарама-қаршилиги, деҳқонлар қўзғолонлари, сулолалар алмашишига олиб келган феодал гуруҳларининг тахт учун курашлари охир-оқибат конфуциячилик мафкуравий йўналишининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Хитойлик Чжу Си ҳамда Пэк И Чон, У Тхак, Квон Бу ва Ли Чи Хёнларнинг тадқиқотларини Кореяга олиб келган неоконфуциячиликнинг Кореядаги **пионер**ларидан бири Ан Хян (1243–1306) **ҳисоб**ланади.

## 4 Боб Илк Чосон даврида фалсафий қарашларнинг шаклланиши

Ҳукуматга янги Чосон ёки Ли (1392–1910) сулоласининг келиши неоконфуциячилик давлатда янги мафкура шаклланишининг асоси бўлиб қолди. Ижтимоий ривожланишдаги талаблар кундалик муаммоларга буддавийликдаги «нирвана»га етишишда риоя қилинадиган дунёвий масалаларга бефарқлик йўсинида эмас, балки уларга

фаол ва амалий муносабатда бўлишни талаб қилар эди, буддавийлик эса барча қийин муаммоларнинг сабабчиси деб эълон қилинган эди. Буддистлар монастирлари деҳқонлардан маҳрум бўлдилар, уларга қарашли ерлар ҳажми эса бир неча баробарга қисқарди. Шу боис, даосизм ҳам ўз мавқеини йўқотиб борди. Сеулда ва провинцияларда конфуциячилик мактаблари очила бошлади. Қиролнинг истак ва қарорларини амалга оширувчи Давлат Кенгаши билан бир қаторда Конфуций таълимоти олимларидан ташкил топган ҳукумат маслаҳатчилари палатаси ҳам ташкил қилинган эди.

Конфуциячиликни етакчи таълимот сифатида тасдиқлаш Кореяда бир қанча асоратлар қолдирди. Бир томондан, бошқаришни марказлаштиришга хизмат қилувчи конфуциячиликнинг Қирол ҳукуматига барчанинг сўзсиз бўйсуниш принципи ва бошқарувда ижтиомий иерархияга асосланган «олийнасаб кишилар» синфи вакиллари хокимлиги принципи тадқиқ этилди. Иккинчи томондан эса, қирол оиласи аъзоларига ҳам тегишли бўлган конфуциачиликнинг «хатоларни тан олиш ва уларни тўғирлаш» асосида ўз-ўзини маънавий юксалтириш принципи бошқаришда монарх томонидан яқинлар ва олимлар тавсияларини **ҳисоб**га олиш имкониятитини берди. Кореяда қироллар ҳалқ билан бўлган муносабатда бир неча бор ўз хатоларини тан олганлар ва уларни тўғирлашга ваъда берганлар, олимлар ва амалдорлар Корея тарихида давлатдаги мавжуд камчиликларни очиқ ойдин айтганлар ва монархларга қирол бошқарувини янгилашга оид ўз таклиф ва муло**х**азалари лойиҳаларини жўнатганлар. Кореяда неоконфуциячилик хитойлик файласуф Чжу Си таълимоти асосида шаклланган бўлса-да, ўз ривожида Кореяга хос бўлган томонлар билан бойиб борди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «Кореяда конфуцийчилик ҳақида эмас, Корея конфуциячилиги ҳақида сўзлаш мумкин». [27:61]

**Саллимхакп -ха мактаби**

XIV-XV асрларда неоконфуциячилик Кореяда икки йўналишга ажралди: Биринчиси - *саллимхакпха* (тоғ ва ўрмонлар мактаби). Унинг вакилларининг - Ли Сэка (1328–1396) ва Чон Мон Чжу (1337–1392) - фикрича дунё яратилишининг асосида *«ли»* (руҳий омил) ётади. Конфуциячилик таълимотига асосланган ҳолда улар инсонлар ўртасидаги беш турдаги муносабатни (ота-ўғил, катта ва кичик, эр-хотин, **ҳукм**дор ва фуқаро ҳамда дўстлар ўртасидаги муносабатлар) осмоннинг бузилмас қонуниятларидир деб **ҳисоблаган**лар. Ли Сэк буддистлар монастирлари бойликларини танқид остига олган бўлса-да, унинг буддавийликка бўлган муносабати нигилистик эмас эди. Буддавийлик уни бир сиёсат институти сифатида қон**к**тирмас эди. Буддавийлик таълимотининг назарий асосига келсак, уларнинг фикрича Будда ва Конфуций таълимотининг асоси бирдир. Буни биз буддавийликнинг «комиллик йўлида ўзини енга олиш» ва конфуциячиликнинг «камолотга етиш» таълимотларида кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари, у «буддавийлар – буюк авлиёлардир», буддавийлар «сутралари олий эзгуликни ҳимояловчи ғоялари билан тўладир». Бу конфуциячиликнинг ота-боболар руҳига ишонищдек муҳим қоидасига ҳам тегишлидир: «Конфуцийнинг айтишича, ўтганлар руҳига ишониш қадимдан мавжуд. Менимча бу буддавийликка ҳам жуда мос келади» [37:71 дан иқтибос].

Чон Мон Чжу буддавийликни танқидида чегараланмасдан уни сиёсий томонига ҳам ўтиб кетади ва буддавийлик йўлини шубҳа остига ҳам қўяди. Унинг фикрича, руҳий тараққиёт йўлида дарвешона **ҳаёт** кечириш, ғорларда ёлғиз яшаш, ўт-ўланларни ейиш, одамлардан, оиласидан алоқани узган ҳолда яшаш шарт эмас, конфуциячилик таклиф этган руҳни такомиллаштириш йўли кундалик **ҳаёт**да қўллаш мумкин бўлган йўл бўлиб, фақат ***ли*** га риоя қилинса бас.

Ли Сэк ва Чон Мон Чжу ўзларининг ижтимоий-сиёсий қарашларида катта ер эгалари томонидан ерларни эгаллаб олишга қарши бўлган меъёридаги ислоҳотчилик тарафдори бўлганлар.

**Кванхакпха мактаби**

***Кванхакпха*** номли иккинчи йўналиш вакиллари –Чон До Чон (таҳаллуси Самбон, 1337–1398) ва Квон Гын (1352–1409)лар буддавийликни ҳар томонлама ва радикал танқид остига оладилар.

Чон До Чоннинг фалсафий қарашларида икки хил: материянинг бирламчилиги (моддийизм) ҳамда руҳнинг бирламчилиги (идеализм) аралаш **ҳолда** мавжуд эди. Бундай «дуалистик»[1] қарашлар кўпгина корейс файласуфларига хосдир. Мир Чон До Чон ***ки*** дунёнинг моддий асоси деб **ҳисоблаган**. Жисм ва руҳнинг тузилиши ***ки***нинг жипслашишидир. *Ки* тарқалиб кетиши билан улар ҳам йўқолади.. Иккинчи томондан, файласуф дунёнинг тараққиёт қонунларини белгиловчи руҳ бирламчи бўлмиш ***ли***ни ҳам тан олган. Барча нарсалар ***ли***га эа бўлиб у руҳиятда мавжуд бўлади. Шу боис, «руҳият бўшлиқдан иборат бўлса-да, унда бутун дунё мавжуддир».

Дунё беқиёс, чегарасиз ва доимий ўзгаришдадир. Бу ўзгаришлар умумий ва доимийдир. Кечаги кунни тугатувчи бугунги кун ўзини тугатишга бўлган қадамдир. «Ўзгариш, - деб ёзади файласуф, - бу бугун мустаҳкам равишдаги мавжудликнинг тугашидир, бу келажакда буткул йўқоладиган бугундир»[ 37:79 дан иқтибос]. Янгининг пайдо бўлиши ва эскининг яксон бўлишини Чон До Чон

---

[1] Оврупо мумтоз дуализмида мавжуд икки (моддий ва рухий) қарама-қарши субстанциянинг мавжудлиги ҳақидаги назарияга ўхшаш «*ки*» ва «*ли*»ни бир-бирига қарама-қарши қўйиш анъанаси кўпроқ субстратдаги ўзгаришлар детерминанти бўлмиш ашёвий ва шакл яратувчанлик тамойилиги боғлиқдир. Айрим таълимотларда тўғридан-тўғри ишора қилинишига қарамасдан корейс фалсафий таълимотининг ҳаммаси ҳам «*ли*»ни оврупо фалсафасидек ру**х**ий (ғоявий) дунё билан боғлайвермайди.

нарсаларнинг ***ки*** билан тўлиши ва бўшаши ҳамда унинг тарқалиш ва йўқолиш жараёни билан боғлайди. Эскидан янгига ўтиш иккала ҳодисани ўз ичига олувчи доимий жараёндир. Ўзгаришдаги иккала жараён ҳам: эскининг ўлиши ва янгининг туғилиши бир вақтнинг ўзида содир бўлади. «Пайдо бўлган нарса ҳали ўлмайди ва **ҳали** пайдо бўлмаган нарса туғила боради. Бу жараёнда ҳатто бир дақиқалик ҳам узилиш бўлмайди» [ўша ерда]. Чон До Чон, ўзгаришлар табиати ҳақида гапириб у бу масалани ҳал қилишда ғарб фалсафасидан бир неча асрга илгарилаб кетади.

Чон До Чон буддвийликдаги адабийлик ва руҳнинг кўчиб юришига оид назариясини танқид остига олади. У руҳнинг мавжудлигини инсон мавжудлиги билан боғлайди, унинг ўлими билан руҳ ҳам ўлади, «тана пайдо бўлиши» билан руҳ ҳам пайдо бўлади деб ҳисоблайди.

Гносеологияда Чон До Чон билишни «тажрибага, нарсалар ва хатти-**ҳаракат**лар билан мулоқотга асосланган» билиш сифатида талқин этади. У реал мавжуд бўлган нарса ва жараёнларнинг аксидир. Ўрганилаётган нарса қанчалик мураккаб бўлмасин (самовий таначалар, миллион йилларга тенг замон) уларни билиш мумкин.

Ўзининг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашларида Чон До Чон жамиятдаги мавжуд «беш» турдаги муносабат концепцияси тарафдори бўлган. Одамларни файласуф уч турга ажратади: олий донишмандлар, комиллар ва «ўз истакларининг қули» бўлган омма каби турларга ажратади. Одамлар табиатдан меҳрлидир: ўз қилмишидан уялиш ва бошқаларнинг ёмон ишидан норозилик ҳар бир кишига хосдир. Лекин, шундай бўлса-да одамлар ёмонлик, масалан, ўғирлик қиладилар. Бунинг сабабини Чон До Чон ижтимоий **ҳолат**ларда, масалан. «очлик ва совуқлик» ҳамда, «юқори маънавият»нинг пасайишида кўради. Файласуф, етук, комил давлатда ҳукмдор шохона **ҳаёт**га берилиб кетмаслиги, аксинча оддий ҳалқ **ҳаёт**ига эътибор бериши ва

инсонларнинг яшаш асоси бўлган де**х**қончиликнинг машаққатларини билиши лозим, деб ҳисоблаган.

Ҳалқнинг ночор а**х**волининг сабабини Чон До Чон уни ҳайратга соладиган бойларнинг дангасалигида деб билади: «Ерга ишлов берадиган бир киши, истеъмол қилувчи эса икки киши. Бой яна ҳам бойиб боради, камбағал эса яна ҳам камбағаллашиб боради. Одамлар шу даражага етадиларки, ҳатто яшаш учун ҳам ҳеч нарсалари қолмайди, натижада **у**з жойларидан кетиб қолиб дайдиларга айланиб кетадилар. …Қанчалик даҳшат! Бу ёвузликни таърифлашга сўз топа олмайсан» [1 :21 дан иқтибос].

Кучли ва ҳақпарвар давлат ҳақидаги идеал ғояси Чон До Чоннинг ерларни давлат тасарруфига ўтказиш ва уни деҳқонларга тарқатиш, ерга чекланган бож жорий қилиш кабиларни назарга олган ислоҳот борасидаги лойиҳаларида ўз аксини топди

*Кванхакпха*нинг бошқа вакили Квон Гын анъанага кўра шаклланган беш унсур ва инсонлар ўртасидаги беш хил муносабатни англатувчи *ым* ва *ян*ни тан олади. Унинг антологиясида аввал *ли*, кейин *ки*, кейин эса енгил, ёруғ, юқорига кўтарилиб осмонга айланувчи *ян*, кейин оғир, бўғиқ, пастга йўналиб ерга айланувчи *ым* пайдо бўлади. Кейин фасллар алмашиниши бошланади. Инсонда *ки* ва *ли* тўлиқ равишда, бошқа нарсалар таркибида эса қисман мавжуд бўлади. Ер ва осмон бўлмиш *ли* инсон табиатига хосдир, *ки* ер ва осмон унинг танасидир. Инсоннинг юраги(сим)да *ли* ҳам, *ки* ҳам бордир. [37:86-87].

## 5 Боб XV-XVI асрларда Чосонда фалсафий қарашларнинг ривожланиши

XV-XVI асрлар ислоҳотлар, илм-фан ва маданиятнинг тараққиёт давридир. Бу даврнинг муҳим воқеаларидан бири 1443 йилда корейс алфавити хангыльнинг яратилиши бўлди. Хитой иероглифларидан фарқли равишда у хангыль ҳарфларидан ташкил топган б**у**либ ишлатиш ва эслаб қолиш

учун жуда осон бўлган. Бу оддий ҳалқнинг саводли бўлишига катта ёрдам берди.

Илм-техника соҳасидаги тараққиёт, авваломбор, амалиётга боғлиқ. Бу об-ҳаво ва осмон жисмларини кузатувчи асбоблар, само юлдузлари ҳаритаси, ёмғир ўлчагичлар, топография асбоблари, аниқ ишланган та**к**вим, географик таърифлар, ноталар ёзуви, қуёш ва сув соатлари, қуролларни ясаш, сув қурилмалари ва китоб нашр этувчи техникалардан иборат бўлган.

Табобат илмини тизимга солишда катта муваффақиятларга эришилди. 365 китобдан иборат «Даволаш усуллари» номли, 85 китобдан иборат «маҳаллий дорилар ҳақида маълумот» номли трактатлар яратилди. Иккинчи китоб касалликларга ташхис қўйиш бўйича 959 мақоладан, 10706 рецептдан ва игна билан даволаш ҳақида 1477 хил тавсиялардан иборат эди.

Тарихий ва географик нашрлар жуда кенг миқёсда тарқади. Шеъриятда Корё ҳукумати даврида шаклланган сичжо жанри жуда ривожланди. Янги ҳукуматни мустаҳкамлаш ва эски сулола тарафдорларига кураш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараён гражданлик лирикаси жанри сифатида шаклланишига олиб келди. Пейзаж тасвирлари деярли бўлмаган ва асосан ишқий лирика бош ўринни эгаллаган. «XIV–XV асрлардаги сичжонинг асосий хусусияти – амалдор-шоирнинг ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига нисбатан бўлган аниқ ва равшан муносабатини ва бу **ҳодиса**лар таъсири остида юз берган шоир тақдиридаги ўзгаришни акс эттиришдан иборатдир» [19:96].

**Легистлар мактаби**

Легистлар мактабининг ташкил топиши (**чучхичуйхак**) Чон Гван Чо (1482-1519) номи билан боғлиқдир. Легистлар «инсон табиатига хос гуно**х** қилиш»га мойилликни йўқ қилувчи қатъий қонунларга асосланган марказлашган йирик бир давлатни ташкил этиш тарафдори бўлганлар. Уларни чжусианларга хос метафизик ва

сҳоластик ғоялардан кўра давлатни гуллаб яшнатадиган қонун ва уларни амалий натижалари кўпроқ қизиқтирган.

Чон Гван Чо бу йўлда кўпроқ илм олишга катта аҳамият берган. Илм олиш асосида  матнларни кўр-кўрона ёдлаш эмас илмий мушоҳада ётиши лозим деб ҳисоблаган. Бундан келиб чиққан ҳолда мансаб(кваго)га эга бўлиш учун номигагина ўтказиладиган имтиҳонларга бутунлай қарши чиққан ва уларнинг ўрнига қайси қатлам вакили бўлишидан қатъий назар иқтидорли номзодларни танлашга асосланган имтиҳонлар тизимини таклиф этган.

Чон Гван Чо таълимотига асосан ахлоқ ва ижтимоий-сиёсий қарашлар билан боғлиқ бўлган. Бунинг учун у теракли йўлни тўғри аниқлаб бера оладиган *до* нормативига мурожаат этади. *До* таълимоти конфуциячиликда мавжуд бўлган **ҳокимият** ва фуқаро, ота ва ўғил ва бошқа шу турдаги муносабатларга асосланган. *До*га риоя қилган ҳар бир шахс камолот чўққисига етиб, афсонавий «етук донишманд» даражасига эришиш имкониятига эга бўлган. Бу билан етишиб бўлмайдиган нарса деган тушунчага чек қўйилган. Маънавий етукликнинг муҳим бир томонларидан бири сифатида Чон Гван Чо ҳар нарсада меъёрга риоя қилиш ва ўзини тия олиш хусусиятини кўрган. Буни амалга оширишда ўзаро ёрдам ва маънавиятга риоя қилишда бир-бирини тергаш имкониятига эга бўлган қишлоқ жамоалари катта аҳамият  касб этиши мумкин деб ҳисоблаган. Чон Гван Чо давлатни «куч ва қўрқинч»га асосланган  бошқарувга қарши равишда *«до»* қоидаларини амалда қўллаш, «маънавий бошқариш» ва «ҳалққа меҳр бериш»га мўлжалланган «қирол йўли» номли тамойилни ишлаб чиққан.

**«Югирон» мактаби**

XV-XVI асрларда моддий асос - *«ки»*нинг бирламчилигини тан олган моддийистик мактаблар шаклланди. Бу даврдаги моддийистик фалсафий мактабларнинг вакиллари Ким Си Сып (1435–1493) ва Со Кён Док (Хвадам, 1489–

1546)лар эди. «Югирон» мактаблари охиргисининг номи билан боғлиқ.

Ким Си Сып моддийизми корейс ва хитой фалсафасига хос бўлган «Буюк чегара» категорияси ҳамда *ли* ва *ки* муносабатларини талқин қилишда кўзга ташланади. Файласуфнинг фикрича, «Буюк чегара» - бу *ым* ва *ян*нинг бирлигидир. *Ки* ва *ли* ҳам бирликни ташкил этади. *Ки*даги ўзгаришлар *ли*да акс этади. «Совуқ ва иссиқ келади ва кетади, қуёш ва ой, кун ва тун бир-бири билан ўрин алмашади – буларнинг барчасини *«ли» «ки»*нинг ўзгаришлари ва айланиш хусусиятлари орқали ўзида мужассамлаштирган [37, 123 дан иқтибос].

Руҳни Ким Си Сып материя бўлган *ки* билан боғлайди. *Ки*нинг концентрацияси ҳаётни пайдо қилади, унинг йўқ бўлиши эса ўлимни олиб келади. Ўлим билан бирга инсоннинг руҳи ҳам ўлади.

Ким Си Сып атеизм йўлига кирган биринчи корейс файласуфларидан **ҳисоб**ланади. У нафақат руҳнинг ўлмаслигини, балки инсоннинг жаннат ёки дўзахга тушиши ҳақидаги ғояни ғирт ёлғон деб қаттиқ танқид остига олади. Осмонга ёки муқаддас нарсаларга сиғинишни эса фақат бир анъана сифатидагина тан олган ва бунда қурбонлик келтиришни бутунлай инкор этган. Қурбонлик ва инсон тақдири ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ дейди файласуф. Ким Си Сып шаманларнинг башоратчилиги ва Кореяда кенг тарқалган геомантик фол очишларга ишонишни ҳам худди шундай танқид остига олади. Уларнинг ягона мақсади пул ишлаш бўлиб инсон ҳаётига ҳеч қандай таъсир кўрасата олмайдилар. Омад ва омадсизлик инсоннинг ўзига боғлиқдир. Инсонлар ишонмоқчи бўлган ҳеч қандай руҳлар мавжуд эмас, бу инсон онгидаги хаёлларнинг мевасидир ҳолос.

Ким Си Сыпнинг «инсонга **ҳурмат**»га асосланган «инсонпарварлик бошқарув», «иеал бошқарув» номли концепциясини онфуцияйчиликдаги жамият ва оила

тўғрисидаги таълимотига асосланган. Қадимийликни идеаллаштирувчи кўпчилик конфуциячилардан фарқли равишда файласуф тарихда тараққиёт тарафдори бўлган.

Ким Си Сып ўз асарларида оддий ҳалқнинг оғир ҳаёти ҳақида қайғуриб ёзган.

Ким Си Сып **х**окимларнинг бой ва фаровон **ҳаёт**ини танқид остига олади. Қўзғолон ва исёнларнинг асоси ҳокимиятнинг бошқариш тизимига қаршиликдир: «Мамлакатни бошқараётганлар оддий ҳалқни эзишдан ўзларини тия олмайдилар. Ҳалқ ўзининг қаршилик туйғуларини дилнинг тубига яшириб ташқаридан қараганда худди бунга кўнаётгандек туюлсалар-да, бу узоқ чўзилмайди ва ахир-оқибат бу нарса катта қўғолонларга олиб келади» [ўша жой, 126]. Кўпинча мамлакат инқирозининг сабабини анъанавий маънавиятнинг сусайиб қадимийликдан («олтин асрдан») узоқлашишида деб кўрсатувчилар олдида Ким Си Сыпнинг бошқаришдаги ўта қаттиқлиги ижтиомий катаклизмларнинг асоси деган хулосалари анча чуқур маъно ва мардликни касб этди.

Со Кён Док бу даврнинг энг йирик моддийисти бўлди. Унинг 18 ёшлигида яратган асарларидаёқ «конкрет нарсалар»ни тадқиқ этишга асосланган методологияси шаклланиб бўлган эди.

Со Кён Док йўқлик абсолют бўшлиқдир деган фикрни инкор этади. Унингча дунёвий макон ёки «Буюк бўшлиқ» мавжуд нарсадир. «Буюк бўшлиқ» маконда ва замонда чексиздир. Бир қарашда макон бу бўшлиқдир, чунки уни ушлаб, хидлаб, тинглаб бўлмайди. Лекин бу ҳеч нарса дегани эмас: «Чексиз макон шунчалик тўлаки, унда бирон бир бўш жой, ҳатто, бир тола сочга ҳам жой йўқдир» [37:132дан иқтибос]. Со Кён Док учун моддий субстанциядан ташқарида ҳеч қандай бўш макон мавжуд эмас. Маконни тўлдириб турган барча нарса *ки*дир, у худди майда ва ҳаракатланувчи чангдек аниқ ва танасиз субстанциядир. *Ки*нинг зич

жойлашиши ер ва осмонни, унинг суст жойлашиши эса бошқа барча нарсаларни пайдо қилган. Дунёдаги барча нарсаларнинг пайдо бўлиши *ки*нинг зичлашиши ва сустлашиши натижасидир. *Ки* дунёвий бўшлиқни бутунлай тўлдирувчи бўлгани сабабли у «Буюк бўшлиқ» билан бирдир. Бу таълимотда биз овруподаги биринчи материя саналган атомистик ва эфир таълимотини кузатамиз.

*Ки* – барча нарсалар шу билан бир қаторда инсон ва унинг руҳининг ҳам манбаидир. У доимий ўзгариш(жамланиш ва тарқалиш, қуюқлашиш ва кенгайиш)дадир. *Ки* йўқолмас ва абадий, уни ҳеч ким яратмаган ва йўқ қилиб бўлмайди, унинг боши ҳам охири ҳам йўқдир. *Ки* нинг шакли ўзгаради, лекин унинг ўзи ўзгармайди. Шундай қилиб, борлиқнинг абадийлиги ҳақида ҳам, йўқ бўлмаслиги ҳақида ҳам гапириш мумкин. Со Кён Док ёзади:

«Нарсалар келаверади, келаверади, лекин ҳеч қачон ўчириб ташланмайди, келган нарса ташқаридан қараганда тўлиб кетгандек туюладиган ерга ҳам кетаверади.

Нарсалар абадийдир, уларнинг пайдо бўлишининг боши йўқдир...

Нарсалар йўқ бўлаверади, бўлаверади, лекин йўқ бўлиб турганда ҳам барчаси йўқ бўлмайди. Ҳаттоки, **х**еч нарса қолмаган ерда ҳам албатта нимадир бўлади.

Нарсалар ғойиб бўлаверади, бўлаверади, уларнинг йўқолишининг охири йўқдир» [37:131 дан иқтибос].

Нарсаларнинг йўқ бўлмаслиги *ки*нинг бутунлай йўқ бўлмслиги билан боғлиқ. *Ки* сустлашишининг чегараси унинг юпқа ва бўшлиқдан ташкил топган *ки*дан иборат бўлишидир, айнан мана шу *ки*ларнинг «боши ҳам охири ҳам йўқ». Шундай қилиб, *ки* абадийлигиининг сабаби унинг ўзидадир.

*Ки* нинг доимий ҳаракат манбаи унинг ўзида мавжуддир: «Кутилмаган отилиш ва кутилмаган ҳаракат. Ким уларни амалга оширади? Ҳаммаси ўзи-ўзидан амалга ошади. Ўз-ўзидан ва бошқача бўлиши мумкин эмас… Унда турғунлик ва ҳаракатнинг, бошланиш ва тугашнинг сабаби қаерда? Гап

шундаки, *«ки»* мавжуддир. [ўша ерда 136]. *Ки* да мавжуд *ым* ва *ян*ларнинг ўзаро таъсири унинг ҳаракатининг сабабчисидир.

Ўзаро таъсир асосий сабабдир[2]. Бундай назарияни Со Кён Док худди елпиғични елпиганда келадиган шамол билан қиёслаб тушунтиради: «Бу шамол қаердан келади? Агар шамол елпиғичдан келаяпди десак: унда у қаерда яширинган? деган савол туғилади. Агар у елпиғичдан бўлмаса. Унда қаердан келаяпди? У елпиғичдан келиши мумкин эмас, шу билан бирга у елпиғичдан келмаслиги ҳам мумкин эмас. Менимча, бунинг аксини, яъни елпиғичга боғлиқ бўлмаган ҳолда бўшлиқдан ўз-ўзидан шамол келаяпди десак ҳам тўғри бўлмаган бўлар эди. Шамолни елпиғич қўзғатиши мумкин, лекин пайдо қилиши мумкин эмас... агар елпиғич ва *«ки»* бир-бирига ишқалансалар шамол пайдо бўлиши мумкин» [ 37:139дан иқтибос].

Ҳаракатнинг ўзини эса Со Кён Док айлана бўйича ҳаракат деб тушунган: барча нарсалар *ки*дан пайдо бўлади ва унинг ўзига қайтади. Бир вақтнинг ўзида, «қайтиш» эса ҳаракатнинг янги босқичидир.

*Ки* ва *ли* муносабатлари масаласини файласуф шундай ҳал этади: *ли* *ки*даги ўзгаришлар йўналишини белгиловчи қонун сифатида *ки* дан ташқарида мавжуд бўлмайди.

Со Кён Док онтологияси, бу даврнинг барча фалсафасидек, натурфалсафа доирасидан четга чиқмади. Фалсафий тушунчалар ва категориялар жадвали кўпинча образли мисоллар билангина алмашинади. Кореянинг бу даврда ташқи дунёдан ажралганлиги ва унинг **ҳали** яхши ривожланмаганлиги сабабли ақл мушоҳадаси ўрнини аниқ билимлар эгаллади. Лекин, моддийистик субстанциядек

---

[2] «Ўзаро таъсирни сабаб деб тушуниш ғарбий оврупо фалсафасида XVIII асрда пайдо бўлди, Гегель эса унинг таърифини берган: «Ўзаро таъсир тўлиқ тараққий этувчи сабаб муносабатидир... Ўзаро таъсир, шубхасиз, сабаб ва **х**аракат муносабатининг хақиқий сабабидир» [3:335].

фалсафанинг жиддий (абадийлик, йўқ бўлмаслик, чексизлик, абсолютлик, ҳаракат манбаи, ўз-ўзида бўлиш) масалаларини таърифлашда ғарбий Европа моддийизмининг XVI–XVII асрлар деистик ва пантеистик қарашлридан олдинга қараб кетади ва XVIII аср француз моддийизмига яқинлашади. Хвадамнинг диалектикага оид фикрлари ҳақида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин.

Гносеологияда Со Кён Док билишнинг бошланиш нуқтаси – нарсаларнинг ўзидир дейди. Тажриба, кузатиш, мантиқий фикр – билишнинг асосий қуролларидир. Мумтоз матнлар олимлар томонидан ижодий мушоҳада қилиниши лозим. Билиш жараёнида олим иккинчи даражали нарсалардан эътиборини уза олиши, тадқиқот марказига диққатини жамлай олиши лозим. Мантиқий фикрлашда чегара бўлмаслигига аниқ ишонч Со Кён Докни ақлий фикрларни абсолютлаштиришга олиб келади: «Юз бор ўйлаб, охири яна ўша фикрга қайтасан … - дунёни жойингдан қимирламасдан туриб билиш мумкин. Нима учун имконият бўлган вақтда бутунлай китобга мурожаат қилмасдан муаммони ҳал қилиш мумкин эмас?» [ 37:144дан иқтибос].

Этикага оид концепцияси инсон туғилишиданоқ табиат инъом этган «ер ва осмон самимийлиги»ни тан олишга асосланган, бунда у инсонпарварлик ва ҳақгўйликни назарда тутган. Лекин ҳиссий туйғулар хоҳиши ва манфаатпарастлик уларни йўқ қилиб боради, шу боис инсон маънавиятини доимий равишда назорат қилиб туриш лозим. Таркидунёчилик ҳаёти файласуфда идеал ҳаётга нисбатан «босиқлик» хусусиятларини тарбиялади.

Бу даврнинг кўпчилик олимлари қаторида Со Кён Док ҳам олийнасаб синф вакиллари томонидан деҳқонларнинг ерини тортиб олиб уларни ўзларига оилавий мозор қилиб олаётганларини қаттик танқид остига олади. Бу ишда файласуф фақат олийнасабларнигина эмас, балки шохни ҳам айблайди. Шу билан бир қаторда файласуф ҳеч қандай

мақсадга фойдаси бўлмаган анъана сифатида амал қилинадиган расм-русумларга ҳам қарши чиқади.

**«Чурипха» мактаби**

XVI асрда «югирон» мактаби билан бир қаторда фаоллик ва шакл яратувчанлик хусусиятига эга бўлган *«ли»*нинг бирламчилигини тан олувчи *«чурипха»* мактаби ҳам шаклланди. Унинг йирик намоёндалари Ли Он Чок (1491–1553), Ли Хван (1501–1570)лардир.

Ли Он Чокнинг фалсафий қарашлари «Чексизлик» ва «Буюк чексизлик» номли таълимотлар талқинида ўз аксини топди. У «Чексизлик» ва «Буюк чексизлик»ни айнан бир нарса деб таърифлайди. Улар борлиқдан аввалги мавжудликнинг моҳияти ва унинг шаклидир. «Буюк чексизлик» барча нарсаларнинг субстанцион асосидир, унинг таркибида қолган барча нарсалар имкониятлар сифатида мавжуддир. «Буюк чексизлик», - деб ёзган Ли Он Чок, - аниқликдан маҳрум, бепоён, бешакл, унинг таркибида сон-саноқсиз шакллар мавжуд. ...Унда осмон баландлигининг, ер бепоёнлигининг, қуёш ва ой нурларининг манбаи мавжуд бўлиб, унинг муқаддас ерларида эса руҳият манбаи, айнан унда шамолларнинг момақалдироқ билан алмашиниб дарёларнинг оқиши, ҳаққоний ҳаёт кечириш ва маънавият қоидаларининг сабаблари мужассамлашгандир» [37:112дан иқтибос].

Ўзаро муносабат масаласида Ли Он Чок - «Буюк чексизлик» ҳақида гапириш *ки лини*нг изидан боради дейиш билан тенгдир - дейди. Корейс файласуфининг Ли тўғрисидаги фикрлари Платон фикрларини эслатади. Ҳар бир нарса сабаб сифатида ўзининг *ли*сига эга: «Агар инсоннинг танаси мавжуд бўлса демак *ли* ҳам унинг мавжудлик сабаби сифатида мавжуд; агар қандайдир таначалар мавжуд бўлса, у ҳолда уларнинг сабаби сифатида *«ли»* ҳам мавжуд бўлади; бутун борлиқ мавжудлигининг сабаби сифатида эса бутун борлиқ *«ли»*си мавжуд бўлади; агар қуёш ва ой мавжуд бўлса, унда уларнинг сабаби бўлган – *«ли»* ҳам мавжуддир» [ўша ерда 112-113].

Неоконфуцианчилик анъанасига кўра *до* ва *ли* Ли Он Чокда маънавий ахлоқнинг асоси ва қоидалари, бўйсундириш ва комиллик тизими саналади. Шу асосда неоконфуциан идеализми Ли Он Чокда антропологик хусусият касб этади. Файласуф турли ерларда таъкидлайдики, «танадан ва табиий борлиқдан ташқарида бирон бир мавжудлик бўлиши мумкин эмас», «қандайдир мавжудликни инсоний борлиқдан ташқарида қидириш бўшлиқни қўл билан ўлчаш билан тенгдир» ва ҳоказолар. Маънавий комилликка эришиш учун одамлар, ҳаттоки, энг майда хатти ҳаракатда ҳам, *«самовий ли»*га етишишга интилишлари лозим. Шу боис, Ли Он Чок олий табақа вакилларининг тўкин-сочинлик ва битмас-туганмас истакларини танқид остига олади.

Файласуф конфуциячиликдаги ўзаро муносабатларда давлат миқёсида ҳам, оила миқёсида ҳам ижтимолий қатламлар иерархиясига асосланган «мутаносиблик»ка асосланган олий даражадаги «шох бошқаруви» назариясини илгари суради. Бу муносабатларнинг бузилиши, унинг таъкидлашича, мамлакатда алғов-далғовлик ва қашшоқликка олиб келади.

Ўша даврнинг кўпчилик файласуфлари қатори Ли Он Чок ҳам давлат мансабларига одамларни иқтидорларига қараб бир киши томонидан эмас, кўпчилик томонидан тайинланиши лозим деб ҳисоблаган.

*«Ли»* мактабининг кўзга кўринган файласуфларидан бири Ли Хван (Тхвеге). Ли Хванга «бидъатларни қоралаш ва ҳақиқатни шарафлаш»га чақириш хос бўлган. У чжусианликнинг ҳимоясига ва унинг равнақи томонига ўтиб Тхвеге унга қарши турган барча фалсафий таълимотларни қоралайди.

Бошқа барча корейс файласуфларидек *ли* ва *ки* таълимотига дуалистик муносабат Тхвегега ҳам хосдир. Унинг айтишича, улар иккови ўртасида узилмас алоқа мавжуддир: *ли*дан ташқарида *ки*нинг мавжуд бўлиши

мумкин эмас, *ли* эса *ки*сиз мавжуд бўлмайди. *Ки* бу бутун борлиқни тўлдириб турган моддий нарсалар бўлиб, у шакл ва танага хос белгилардан иборатдир. *Ли* эса – нарсаларнинг сифат белгиларини, ҳаракат ва улардаги ўзгариш йўналишини белгиловчи сабабдир. Ли Хван ёзади: «Осмон ости жисмларининг ҳар бирига уларнинг айнан шундай яратилганлигининг сабаби ва нима учун улар ҳозир шундай ҳолатда эканлигининг қонуни мавжуддир. Униси ҳам, буниси ҳам *«ли»*дир [37:168дан иқтибос]. Бироқ, *ли* ва *ки*нинг узилмас алоқаларини тан олган ҳолда Тхвеге *ли*га етакчи ўринни беради. *Ли* шакл яратувчи фаол сабаб ва ҳаракат қонуни сифатида хизмат қилса, *ки* эса суст моддий сифатида мавжуд бўлади. Шу боис, *ли* бошқарувчи, *ки* эса унга тобеъдир; *ли* аввал келади, *ки* эса унга эргашади.

Ли Хваннинг барча асарлари *ки*га марказий ўринни берувчи йўналишлар вакиллари билан баҳсдан ташкил топган. Со Кён Док нинг *ки*нинг яксон бўлмаслиги ҳақидаги тезисини танқид остига олиб, Ли Хван *ки*да нарсалар охиригача кўринмас ҳолга келиши мумкин, бу эса ўлимни ва нарсанинг кўринмас оламга ўтишини англатади деб исботламоқчи бўлади. Ва умуман, Тхвегенинг айтишича, Со Кён Док концепциясида *ки*нинг хусусиятлари аслида *ли*га тегишлидир. Буюк бўшлиқ ўзининг барча хусусиятлари (абадийлик, чексизлик, яксон бўлмаслик ва х.к.) *ки* эмас *ли* дир.

Ли Хван шу билан бир қаторда субъектив идеализмни ҳам танқид остига олади ва бунда у осмон остидаги барча нарсалар бир инсоннинг «юрагига» сиғмайди деган фикрга асосланади. Бошқача қилиб айтганда, ташқи дунёни бир индивид онгига сиғдириш қарама-қарши, яъни чексизликни чеклиликка сиғдириш мумкин деган нотўғри фикрга олиб келади.

Антропологияда Тхвеге чжусианларнинг инсон табиатидаги «бирламчи» ва «иккиламчи» таълимотига асосланади. «Бирламчи табиат» барча инсонларга хосдир.

«Иккиламчи табиат» эса улар орасидаги фарқни ажратади. Унга кўра одамлар «ўта донишмандлар»га, «оддийлар»га ва «онгсизлар»га бўлинади. Биринчилари конфуциан ахлоқ нормаларига мос келувчи «самовий ли»га риоя қилиб руҳий покликда ҳам, босган қадамида ҳам комил инсонлар намунасидир; иккинчилари эса маънавий комилликка эришиш лозимлигини кўнгилда тушуниб, амалда унга жуда кам риоя қиладиганлардир; учинчи гуруҳ вакиллари эса *«самовий ли»*ни тушунишга уринмайдилар ҳам, унга риоя ҳам қилмайдиганлардир. Самовий *ли* ёки яхшилик деганда «ижтимоий» ва «беминнат» деган категориялар, ёвузлик деганда эса «шахсий» ва «ўз манфаатини кўзлаш» деган категориялар тушунилади

Ли Хван конфуцианчиликдаги дарвешона ҳаёт тарғиботчиси бўлган. «тана талабларини» ёмонлар экан, у на фақат тўкинликни, балки етарли даражадаги турар жой ва таомни ҳам танқид қилади ва буни «ёвузлик» деб **ҳисоб**лайди.

Чо Гван Чога ўхшаб Ли Хван ўз-ўзини бошқариш ташкилоти сифатида қишлоқ жамоаси лойиҳасини ишлаб чиқади. Ли Хван конфуциячилик (фуқаронинг **ҳукм**ронга, каттани кичикка ва х.к.) тамойилларини «инсоният йўлининг буюк асоси» деб ҳисоблаган. Шу боис, уларга давлатнинг ҳар бир бурчагида амал қилиш жуда муҳимдир. Бундан келиб чиққан **ҳолда** қишлоқ жамоаси қонуни таркибига ота-онага, кичикларни катталарга кулоқ солмаганлигини, дўстона мутаносиблик қоидасини, ҳамда тўй ва ўлим маросимларини бузганларни жазолаш учун махсус қоидалар киритилган. Яна «давлат миқёсидаги жамоа маънавияти ва одатларини бузганлар»ни, «мавжуд қоидаларга қарши чиқиб парокандаликни келтириб чиқарувчилар»ни, «расмий **ҳукумат**ни тан олмасдан уни танқид қилувчилар»ни, «ўзи паст табақа вакили бўла туриб, олимларга ҳурматсизлик қилувчилар»ни жазолашни кўзда тутувчи ҳолатлар ҳам киритилган.

## «Чугипха» мактаби ва Ли И фалсафаси

Неоконфуциячилик даври файлосуфларининг охирги йирик намоёндаларига *«чугипха»* мактаби асосчиси Ли И (Юльгок, 1536–1584)дир. Файласуфнинг мероси 44 жилдлик тўпламга жамланган бўлиб, у 1749 йилда тўлиқ асарлар тўплами сифатида нашр этилган.

Ли Хваннинг шогирди бўлган Юльгок кейинчалик устози ғояларидан четлашади. Уни Тхвегенинг Чжу Си ёзувлари тарафдорлиги қониқтирмаган. Ли И неоконфуцианчилар учун ҳурматда тенги йўқ шахс бўлиб келган Чжу Сини танқид остига олиб устозидан яна ҳам илгарилаб кетади. Ли И нинг *«югирон»* мактабига ҳам қараши танқидий ҳарактерга эга.

Ли И корейс фалсафасининг асоси саналмиш *ли* ва *ки* тушунчаларини талқин этишда Ли Хван ва Со Кён Док й**у**лларини бирлаштирувчи дуалистик йўлдан боради. Иккала томонни бир ёқламаликда айблайди ва уларни танқид остига олиб, Юльгок улар «бошланғич нуқта (буюк чексизлик) *ли* да қандай мавжуд бўлса *ки* да ҳам (*ым* ва *ян*) худди шундай мавжуддир» деган юқори даражадаги талқинга етиб бормаганликда айблайди» [38:20.]

Ли И гох у назария, гох бу назария тарафдори бўлади. Яъни, баъзан у «Буюк чексизлик»ни азалдан мавжуд бўлган ва ўзида *ым* ва *ян*ни мужассамлаштирган ягона *ки* билан номлайди.

Охир оқибат, Ли Ининг дуализми *ли*нинг етакчи аҳамият касб этишини тан олиш билан якунланади: «*Ли*» ва «*ки*» бошланиш нуқтасига эга эмас, шу боис бирламчилик ҳақида гапириш мумкин бўлмайди. Лекин агар ички сабабларни чуқурроқ ўрганиб чиқиладиган бўлса… унда «*ли*» бош ва муҳим эканлигини аниқлаш мумкин. Демак, аниқ равишда *«ли»* бирламчи дейиш мумкин бўлади… *«Ли»* доим аввал юради, *«ки»* эса унга эргашади. Осмон ва ер пайдо бўлишидан аввал осмон ва ернинг «ли»си мавжуд бўлган дейиш мумкин

эмас» [ўша ерда, 185]. *Ки* бу фаол бўлмаган нарсадир, *ли* эса фаол тамойиллардан бўлиб, нарсаларнинг ўзгариш сабабидир.

Юльгок гносеологиясида билиш ҳаёт энергияси жойлашган инсон тана тузилиши билан боғлиқдир. Ли И нинг фикрига кўра билиш уч босқичдан иборат: паст, ўрта ва олий. Уларни тушунтиришда тоғни англаш ва китоб ўқиш жараёнларини мисол келтиради. Биринчи босқич, худди китобнинг ўзини эмас унинг фақат сарлавҳасини ўқиб чиқиш, ёки тоғни ўз кўзи билан кўрмасдан бошқалардан у ҳақда эшитиш жараёнлари билан қиёслаб тушунтиради. Иккинчи босқич эса «тоғни узоқдан кўриш» билан боғлиқ. Китоб мисолида солиштирсак эса иккинчи босқич китобни ўқиб чиқиш, лекин унинг маъносини ҳали тўлиқ англамаслик билан боғлиқ. Учинчи, олий босқич, тоққа чиқиш ва унинг ўзи нима эканлигини ўзи англаш билан, ёки «китобда ёзилганнинг туб моҳиятини англаш» билан тенглаштирилган ҳолда тушунтиради.

Бироқ, билиш бу билан ҳам тугамайди. Олинган бу билимларнинг ҳақлиги инсоннинг амалий ҳаётида ўз тасдиқини топиши лозим. Билимни амалда тўлиқ қўллай олмасанг уни тўлиқ билим деб бўлмайди. «Сарлавҳа билан танишиш ва ўқиганни тўлиқ англаб етиш – дейди Юльгок – бу ҳали ҳаммаси эмас. Билим фақат ҳаётга тўлиқ тадбиқ этилганидагина уни ҳақиқий ва тугал билим дейиш мумкин. Буни ҳар ким шахсан ўзи бажариши лозим.»[37:191дан иқтибос]. Шунга кўра, Ли И конфуциячиларни ҳаётдан узилган қуруқ назариётчилар сифатида танқид остига олади.

Ҳақиқий билимга эга бўлган кучли талаб ва ташқи оламдаги нарсаларнинг ҳақиқийлигига тўлиқ ишонч файласуфнинг атеистик қарашларининг асоси бўлди. У буддистларнинг жаннат ва дўзах ҳақидаги фикрларини («буни ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмаган»), шу билан бирга «савоб», башорат, фитналар ва бошқа тушунчаларни тўлиқ инкор этади.

Юльгокнинг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари анъанавий конфуциячилик «шох йўли», «инсонпарвар бошқарув» ва «ҳалққа муҳаббат» каби тушунчалари билан боғлиқ бўлган маънавият ва ахлоқ қоидаларига асосланади. Ли И жамиятдаги асосий беш нуқсонлар сифатида: Тўланмаган қарзлар ва турли айбларни қариндош ва қўшниларга юклатиш тизими; чегарасиз божлар ва поралар; тортиқ ва совғалар анъанаси.; раҳбарларнинг порахўрлиги ва бошқаларни кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси ҳалқнинг елкасига юк бўлиб тушади, деҳқонлар ўз турар жойларидан кетадилар, қишлоқлар ҳувиллаб қолади, мамлакат инқирозга юз тутади. Қўзғолон ва жиноятлар кучайишининг сабаби айримлар айтганидек, инсон феълидаги азалдан мавжуд «ёвузлик» эмас, балки ҳалқнинг айнан шундай ночор а**х**волга тушишидир. Шу боис ислоҳот - давр талабидир. «Ота боболар қонуни»ни ислоҳ қилиш лозим, акс ҳолда давлат инқирозга қараб юз тутади. Юльгок ислоҳотларига қарзларни қариндош ва қўшниларга юклатиш тизимини йўқ қилиш, солиқларни камайтириш, олий табақа вакиллари тасарруфидаги ерларни камайтириш, қулларга қисман озодлик бериш, порахўрликка қарши курашиш, сўз эркинлиги, доимий ҳарбий хизматни жорий қилиш, конфуциячиликка асосланган қишлоқ жамоасини ташкил этиш кабилар кирган.

## 6 Б о б. XVII – XIX аср биринчи ярмида Чосонда корейс фалсафасиинг ривожланиши

Японлар билан бўлиб ўтган **имчжинь** уруши (1592–1598) ва 1627 ва 1636–1637 йилларда манчжурларнинг бостириб кириши Кореяни инқирозга олиб келди. Иқтисод ва ҳунармандчилик ҳам инқирозга учради. Ишга ароқли ерлар ҳажми иккидан уч қисмга камайди. Ҳокимиятнинг сусайиши ерларни ўзбошимчалик билан эгалланишига олиб келди. Хазинани бойитиш учун ҳукумат дворянлик мансабини ва

ундан паст табақаларга турли кичик даражаларни (мансабларни) сота бошлади. Давлат мансабларини эгаллаш учун ўтказиладиган имтиҳонларга ҳатто крепостной заминдорларга қул бўлган деҳқонларни киритиш ҳоллари ҳам учрай бошлади. Уларни ҳарбий хизматга ола бошлашди. Шу орқали жамиятдаги конфуциячиликнинг табақаларга асосланган тизимининг асоси емирила борди.

Урушдан кейинги иқтисоднинг ривожланиши хусусий ҳунармандчилик ва пул-товар муносабатларини ривожлантирди. Ишлов бериладиган ерларнинг ҳажми кўпайди. Савдогарлар қатлами кенгайиб борди. Ер савдоси билан шуғулланиш кўпайди. Меҳнатни пулга сотиш, яъни мардикорчилик кенг ёйилди. Товар-пул муносабатларининг ривожи деҳқонлар, майда ҳунармандлар ва савдогарларнинг инқирозига олиб келди, натижада шаҳарларга ва Манбчжурга иш қидириб борадиган одамларнинг сони кўпая борди. XVIII асрдан бошлаб мамлакатда деҳқонлар қўзғолони кучая борди. Ислоҳ қилиш зарурати кучая борди, бироқ, чжусианлар эски муаммолар борасидаги баҳсларни ҳали тугатмаган эди.

Хитой орқали христиан миссионерларининг, ҳамда кемалари ҳалокатга учраган оврупо денгизчиларининг кириши туфайли Кореяга ғарб давлатларининг ютуқлари кириб кела бошлади. Корейслар Оврупо ҳариталари, суғориш иншоотлари, ғарб пушкалари ва мушкетлари, астрономияга оид китоблари, соатлар, кузатиш асбоблари ва католицизм билан таниша бошладилар.

Бироқ, Кореяни соф конфуциячилик давлати деб эълон қилиб, ҳукумат чет элликлар билан ҳар қандай алоқани тақиқлаб қўйди. 1785 йили католикларга оид китобларни олиб келиш бутунлай ман этилди ва 1788 йили эса бундай китобларни мусодара қилиш ва уларни ёқиб ташлаш бошланди. Чжусианликнинг бундай қаттиқ ман этишлари ва ёппасига мажбурий хатти ҳаракатларига қарамасдан мамлакатда неоконфуциячиликка оппозиция кучая борди. Биринчи бор Хо Гюннинг (1569–1618) «Хон Гиль Дон

ҳақида» хаёлий повести яратилди. Унинг қаҳрамони худди Робин Гуддек олийжаноб қароқчи бўлиб, у ажойиб Юльдо оролига тушиб қолади ва у ерда идеал бир давлат қуради. Чжусианликка оппозицияда «хань таълимоти» мактаби ва Ван Ян-мин издошлари туради. Ортодоксал неоконфуциячиликка энг кучли оппзицияда «аниқ фанлар» (сирхак) мактаби турди.

**XVII – XVIII асрларда «Чугирон» мактаби**

Кореянинг ижтимоий-фалсафий қарашларида бир-бирига қарама-қарши мактабларнинг пайдо бўлиши аввал мавжуд бўлган фалсафий йўналишларга тўсиқ бўлмади.

XVII–XVIII асрларда Ли Ининг ғоялари Сон Си Рел (1607–1689) ва Хан Вон Чин (Намдан, 1682–1750)ларнинг қарашларида ўз аксини топди.

Сон Си Рель *ки* ва *ли* нинг ўзаро узвий боғлиқлигини таъкидлайди. Бироқ, у бу муносабатни фақат бирламчилик, доимо ҳаракатда бўлишлик ва ўзгарувчанлик масалаларидагина бир-биридан ажратади. Биринчи ҳолда (бирламичилик масалаласида) файласуф *ли*нинг бирламчилигини тан олади. *Ли* ва *ки* нинг пайдо бўлгандан кейинги муносабати, ҳамда уларнинг ҳаракати ва турғунлиги борасида эса улар бирламчилик ёки иккиламчилик аҳамияти йўқолиб улар баб-баробар фаолият кўрсатадилар деб ҳисоблай бошлайдилар.

Хан Вон Чин ҳам *ли* ва *ки*ларнинг ўзаро муносабати масаласида худди шундай фикрда эди. Бироқ, бу масалани ҳал қилишда келишиш томонга ўтиш унда қарама-қаршилик пайдо бўлишига олиб келади. Бир томондан, Намдан *ли*нинг бирламчилигини тасдиқлайди: ««Ли»нинг етакчи эканлигини тан олиш – бу ҳақиқий таълимдир, «ки»ни етакчи деб тан олиш эса - бидъатдир» [37:301дан иқтибос]. Бошқа томондан эса, у барча борлиқ «ки»дан пайдо бўлган ва у яна «ки»га қайтади, – дейди. Дунёда барча нарса пайдо бўлиш ва йўқолишга маҳкум фақат «ки»гина абадийдир.

Борлиқнинг пайдо бўлиши турли алмашинишлар жараёнида амалга ошган деб ҳисоблайди Намдан: бўшлиқдан (азалий бўшлиқдан) суюқликка ва суюқликдан қаттиқ жисмларга айланиш жараёнини назарда тутади. Табиат яралишидан ҳам аввал мавжуд бўлган азалий *ки*ни у азалий бўшлиққа тарқаган намлик деб тушунган. Енгил ва юпқа қиёфада осмон, оғир ва бўғиқ қиёфада ер, қаттиқ , юмшоқ, қуруқ ва нам тузилишда коинотнинг беш унсури (металл, дарахт, олов, сув, тупроқ) пайдо бўлди ва уларнинг турли ҳолда ўзаро бирлашиши натижасида жамики борлиқ яралди [37:302].

Хан Вон Чин буддавийликдаги руҳнинг ўлмаслиги таълимотини, унинг танадан танага кўчиб юриши ва абадийлигини танқид остига олиб бу дунёда ҳар нарса ўлимга маҳкум дейди. Бироқ, у руҳ инсон ўганидан кейин дарҳол йўқолмайди деб ҳисоблайди. Бу даврда руҳ бирон бир ёмонлик қилмаслиги учун қурбонлик келтириш зарур дейди.

Гносеологияда Хан Вон Чин «илмдан амалиётга» ва «амалиётдан илмга» деган анъанавий таълимотнинг бир-бирига қарама-қаршилигини енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Билиш жараёни икки босқичдан иборат: биринчи босқичда «илм амалиётдан олдинда туради», иккинчи босқичда эса «илм амалиётга эргашади» дейилади. Билиш назариясидаги Хан Вон Чиннинг илм ва амалиёт ҳақидаги назарияси Корейс файласуфлари томонидан туғма илм ва Кореяда кенг тарқалган тақдирнинг азалдан яратилганлигини тан олишни инкор қилишга асос бўлди. Ўз тақдирини яратиш ва уни ўзгартиришнинг асосида тинимсиз меҳнат ётади, – деб ҳисоблайди Хан Вон Чин.

Ижтимоий-сиёсий қарашларда эса Хан Вон Чин «қонунларни ўзгартириш» концепциясига суянади. Ли И эса эскириб қолган қонунларни ўзгартириш лозим деб ҳисоблайди. Шунга кўра, у қадимги Хитой этикетини ўзгартирмаслик борасидаги уринишларни танқид остига олади.

**«Хань таълимоти» мактаби**

«Хань таълимоти» ёки «танқидий тадқиқотлар» мактаби Чжу Сига қарши чиқади ва тўғридан - тўғри Хань сулоласи давридаги қадимий Хитойнинг мумтоз матнларига мурожаат этади. Ушбу мактаб Юн Хю (1617–1680), Пак Се Дан (1629–1703) ва бошқаларнинг фаолияти билан боғлиқ.

Чжусианлик деярли ҳукмрон мафкура сифатида мавжуд бўлган бир даврда ундан фарқланувчи барча оқимлар еретик оқим сифатида талқин этилди, уларнинг вакиллари эса қувғинга солинди. Жумладан, Юн Хю ўз қарашлари учун ўлдирилган эди, Пак Се Дан эса Чжу Сига туҳмат қилганликда айбланган эди, унинг асарлари эса йўқ қилиниб ўзи сургун қилинган эди.

Юн Хю онтологияси моддийистик ҳарактерга эга. Файласуф «ки»даги «Буюк чексизлик»ни на фақат бир – бирига тенглаштиради, балки «ки» азалий бўшлиқ (Буюк чексизлик) дан бунёд бўлгандир дейди. «Ки»дан тўрт унсур пайдо бўлгандир. «Ки» нафақат борлиқ ва табиий ҳодисаларнинг асосида, балки инсон руҳи, унинг билиш хусусиятлари ва феълининг асосида ҳам ётади.

Пак Се Дан фалсафаси ҳам моддийистик қарашлар асосида шаклланди. «До» категориясига мурожаат этиб файласуф уни Осмондан олдиндан белгилаб берилган абстракт бир қонуният ёки йўл сифатида эмас балки моддий субстанция («буюм») ва унинг кўринишлари сифатида тлқин этади. Жумладан, Лао-цзынинг «Даодэцзин» китоби ҳақида гапириб у шундай дейди: «До» буюм, борлиқни англатади, исм эса мавжуд нарсани англатади… Буюм кўринмаслиги мумкин эмас, кўринган нарса эса буюм бўлиши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, борлиқ ва бўшлиқнинг асоси бирдир, лекин уларнинг ҳар бирининг ўз номи бор» [37:316-317 дан иқтибос].

Борлиқнинг асосида «ки» ётади. Борлиқнинг пайдо бўлиш жараёни хилма хил бўлиб у қуйидаги босқичларда амалга ошади: «ки» - «жисмлар шакли» - «ҳаёт» - «фикр».

Агар фалсафий онтология соҳасида «ханьтаълимоти» вакиллари чжусианликка қарши чиққан бўлсалар, маънавият борасида анъанавий конфуциячилик қоидаларига амал қилганлар.

**Ван Ян-мин тарафдорлари мактаби**

XVI асрдан бошлаб корейс файласуфлари орасида хитойлик Ван Ян-мин (1472–1528)нинг субъектив-идеалистик ғоялари тарқала бошлади. Ван Ян-мин қарашларига кўра онгдан ташқарида на осмон, на ер, на борлиқ мавжуддир: «Юрак [онг] – барча нарсанинг илдизи ва манбаидир… Бизнинг онгимиздан ташқарида ҳеч нарса мавжуд эмас»[10:182дан иқтибос]. Нарсалар қонунияти (*ли*) фақат онгимиздагина мавжуддир. Файласуфнинг фикрича, бизнинг билимларимиз туғма сезиш қобилиятига эга, тажриба эса фақат шубҳа олиб келади.

Хитойлик файласуфнинг Кореядаги дастлабки тарафдорларидан Нам Он Гён, Чхве Мён Гил ва Чан Юларни санаб ўтиш мумкин. Ван Ян-мин мактабининг XVII асрдаги энг йирик намоёндаларидан бири Чон Че Ду (1649–1736) дир. Кейинчалик унинг қарашларини Ли Гван Са, Ли Гван Син, Мин Гак и Ли Чхун Иклар янада ривожлантирдилар.

Мактабнинг фалсафий концепцияси «юрак [онг] «*ли*»нинг ўзидир» деган тезисга асосланди». Бу билан, неоконфуциячиликда анъанавий тарзда объектив руҳий омил сифатида талқин этилган «ли», биринчи бор субъектга тегишли бўлган бир нарса сифатида талқин этила бошланди.

Гносеологияда мактабнинг асосий тезиси «илм ва амалиёт бирлиги» принципига асосланди. Унинг иккинчи пункти эса инсоннинг туғма сезиш қобилиятига асосланган илм ва унинг билиш хусусиятларини тан олиш бўлган. Бироқ, улар амалиёт жараёнида илмнинг имкониятини инкор этмаганлар. Аммо, ҳақикат нима, яхшилик нима, ёмонлик нима

эканлигини ажратиш учун фақат туғма илмларга асосланиш нотўғридир

**Им Сон Чу фалсафаси**

XVIII аср Корейс моддийистик фалсафасининг йирик намоёндаларидан бири Им Сон Чу (Нокмун, 1711–1788)дир.

Им Сон Чу ўз асарларида Юльгокнинг давомчиси сифатида ўзини намоён этган бўлса-да, кўпгина муҳим масалаларда унинг қарашлари Ли И таълимотидан анчагина фарқ қилади. Жумладан, бир жойда Ли И *ки* ва *ли* узвий боғлиқдирлар деса, бошқа ерда эса – *ли* ҳар ерда мавжуд, *ки* эса чегаралангандир дейди. Им Сон Чу Ли Ининг бу икки тезизининг бир-бирига қарама қарши эканлигини кўрсатиб беради. Агар *ки* ва *ли* бир бири билан узвий боғлиқ бўлсалар, ундан келиб чиққан ҳолда *ли* бор ерда ўз-ўзидан *ки* ҳам бўлиши керак. Бунга кўра, *ли* га ҳар ерда мавжуд бўлиш хос бўлса, бу хусусиятга *ки* ҳам эга бўлиши лозим..

Бу қарама-қаршиликни йўқотишдан мақсад Им Сон Чуда *ли* ва *ки* ни тенглаштириш ва бу билан Юльгок дуализми доктринасини давом эттириш бўлмаган. Файласуф дуализм томонга эмас, моддийистик монизм томонига, яъни *ки* ни борлиқнинг абсолют субстанциялик моҳиятини талқин этмоқчи бўлган. Нокмун онтологиясининг моҳияти унинг қуйидаги фрагментида ифодаланган: «Борлиқда юқори ҳам, паст ҳам мавжуд эмас, унинг на боши бор, на охири. Унинг тўлиши ва сийраклашиши табиатнинг пайдо бўлишига олиб келади; буюмларнинг ва инсоннинг пайдо бўлишига фақатгина «ки» сабабчидир. Бу ерда «ки» кириши мумкин бўлган ҳеч қандай жой йўқ. «Ки»нинг айнан шу аснода ҳаракат қилишини ва шунчалик таъсирчан бўлишини ким аниқлаб бера олади? Ҳамма нарса ўз-ўзидан содир бўлади». [37:324дан иқтибос].

Нокмуннинг азалияти абсолют, моддий, макон ва замонда чексиз ва чегарасиз субстанциондир; унга ички динамика ва ҳаракат хосдир. Ҳаракатнинг манбаи эса *ки*га хос бўлган *ым* ва *ян*нинг ўзаро таъсирининг натижасидир. *Ли* эса қонуният

бўлиб у *ки* га ҳам хосдир ва ундан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди.

Им Сон Чунинг билиш назарияси қуйидаги принципларга асосланади: англаш хусусиятининг асосида *ки* ётади; фикрлаш, ҳис қилиш, англаш ва туйғулар ташқи дунё билан алоқада намоён бўлади; ҳақиқий билим амалиётга асосланиши лозим; барча одамларнинг «руҳи» бир хилдир. «олий донишманд» ва «омма орасидаги инсон» руҳи бир-биридан фарқланмайди; билиш «руҳнинг олийлик дунёсида адашиши»га эмас, балки «муҳим муаммоларни ҳал қилиш»га қаратилган бўлиши лозим.

Файласуф «сирхак» вакилларининг ислоҳот лойиҳаларига салбий қараган. Деҳқонларнинг оғир ахволининг сабабини ерга нисбатан ер ишловчилар сонининг кўплигида кўради. Шу боис, буни тузатиш йўлини қийналган деҳқонларга ёрдам беришда деб ҳисоблаган.

**XVII асрда «Сирхак» мактабининг шаклланиши**

«Ҳақиқатга эришиш йўлида аниқ фактларга интилиш» шиорини илгари сурган сирхак мактаби вакиллари мамлакатни замонавийлаштириш ислоҳотлари лойиҳасини тузиб Кореядаги мавжуд ҳолатни ҳар томонлама тахлил ва танқид остига олдилар. Бу орқали мавжуд ахлоқий-метафизик муаммолардан ва спекулятив баҳслардан табиатни, мамлакатнинг долзарб сиёсий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва амалий ҳаракатларга ўтиш жараёни амалга оширилди.

Ушбу мактабга умумий тавсиф берган ҳолда Ю.В. Ванин ёзади: «Расмий жиҳатдан сирхак вакиллари ўз фаолиятида конфуциячилик таълимоти доирасидан ташқарига чиқмадилар. Фикр билдириш усулида, исботлар тизимини беришда азалдан мавжуд анъаналарга риоя қилинар эди. Бироқ, ўрганган услубда фикр билдириш ортида эса бутунлай янги маъно, ўша даврда ҳукмрон бўлган мазмунсиз сҳоластикага боғлиқ бўлмаган маъно яшириниб ётар эди.

Ортодоксал чжусианлик назариётчилари асосан қадимий муқаддас китобларга турли туман изоҳлар ёзиш билан шуғулланаётган бир пайтда сирхак тарафдорлари табиий фанларни ўрганиш билан шуғулландилар.» [9:248].

«Сирхак»ка асос солиш ғояларининг пионерлари Ли Су Гван (1563–1627), Хан Пэк Кём (1552–1615) и Ким Юк (1580–1658)лар бўлдилар. Ли Су Гван Кореянинг яккаланганлигини танқид остига олиб  ҳалқаро алоқалар тарафдори бўлди. Реализм приципларига асосланган ҳолда олим астрономия, механика, тарих, география, картоғрафия, дин, адабиёт, санъат ва этнография соҳаларидаги мавжуд қарашларни қайта кўриб чиқди. Тарих ва георграфиядаги консерватив қарашларни қайта кўриб чиқишни Хан Пэк Кём асарларида ҳам кузатиш мумкин.

Лю Хен Вон (Панге, 1622–1673) сирхакнинг мактаб сифатида шаклланишига асос солган. У фалсафага оид («Ли ва ки ҳақида трактат», «Нарсалар принципи», «Конфуциячилик қонунлари ҳақида савол ва жавоблар», «Юрак ва до ҳақида»), тарихга оид («орей тарихи ҳақида тадқиқот», «Корея тарихининг асосий ҳолатларини баён этиш намунаси»), географияга оид («Саёхат кундаликлари», «Географик тавсирлар»), лингвистикага оид («Тўғри талаффузни бошқариш»), ҳарбий соҳага оид («Тактика ҳақида кўчирмалар») каби асарлар муаллифидир. Панге Оврупо табиий фанлар илми билан жуда яхши таниш эди.

*Ки* ва *ли* ҳақида фикр юритиб файласуф шундай дейди: нарсалар қонунияти уларнинг ўзидагина мавжуддир ва фақат уларнинг ўзидагина намоён бўла олади: «нарсалар бўлмаганда уларнинг «ли»си ҳам ўзини намоён бўла олган бўлмас эди». Лю Хе Вон фалсафасига атеистик қараш хосдир. Ҳар бир тасдиқ фактлар ва исботларга асосланиши лозим. Аниқ билимга эга бўлмаган дин ва мистика бу талабларга жавоб бера олмайди. Файласуф хурофотга**,** тақдирни башорат қилиш, физиогномика ва шаманизмларга қарши чиқди ва уларни танқид остига олди. Буддавийликни

эса мамлакатга зарар деб ҳисоблаб ундан воз кечишга чақирди.

Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун ота-боболар изидан бориш ва шахснинг маънавиятини камолга етказишда кўрган неоконфуциачилардан фарқли равишда, Лю Хен Вон муаммони ҳал қилишда энг асосий ўринни ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда деб билган. Пангеислоҳотлар лойиҳаси қуйидагилардан иборат: 1) ерларни умумлаштириш ва уларни буддавийлар, шаманлар, гейшалардан ташқари барчага тенг тақсимлаш; 2) «кваго» имтиҳон тизимини тавсиялар тизимига алмаштириш; 3) барчага бир хил имконият яратиш, қулликни, олий ва паст табақаларга ажратишни, қонуний ва ноқонуний туғилганликни бекор қилиш; 4) давлат тизимини ислоҳ қилиш ва шох оиласини таъминлаовчи бюджетни чегаралаш; 5) янги илмларни киритиш; 6) инсон хуқуқларини ҳурмат қилиш, жазоларни либераллаштирш, қийноқларни ман қилиш; 7) пул-товар муносабатларини ривожлантириш, ягона солиқ тизимини жорий этиш.

**XVIII асрда «сирхак» мактаби қарашларининг шаклланиши**

«Сирхак» мафкураси XVIII асрда Ли Ик (1682–1764) таълимотларида ҳамда «пукхак» («Шимолдан келган илм») мактаби вакиллари томонидан янада ривожлантирилди.

Ли Ик (Сонхо) корейс энциклопедиячилари плеядасига киради. Унинг илмлар доирасига фалсафа, математика, астрономия, тарих, география, картография, этнография, ҳарбий таълим ва адабиёт кирган.

Ли Ик оврупо илми ютуқларининг айримлари билан яхши таниш эди. Бу унга конфуциячиликдан фарқли қилувчи дунёнинг янги ҳаритасини яратишига имкон яратди. Ўзи билан ўзи қолиб кетган Кореяда ҳаттоки XVIII асрда ҳам дунё ҳақида содда натурфалсафий қарашлар мавжуд бўлган бир пайтда Ли Икнинг Ер шарининг думалоқлиги ва унинг ўз

ўқи атрофида айланиши, Ер, Ой ва Қуёшларнинг аниқ ҳажми, Ойнинг Қуёш нурлари ёрдамида ёруғлик таратиши ҳақидаги инқилобий ҳамда табиий илмий фикрлари Корея учун жуда катта янгилик бўлди. Ли Ик шу билан бир қаторда сувнинг (океан ва денгизларнинг кўтарилиши ва пасайиши), ёғинлар, ер қимирлаши, иссиқлининг ўзгарувчанлиги ва бошқалар ҳақида ҳам табиий илмий изоҳлар беради.

Сонхо коинотни *ки* билан тўлган ҳолда тасвирлаган. *Ки*сиз ҳеч нарса ўзини намоён эта олмайди. Жисмларнинг турли шаклда бўлишиинг асосида *ым* ва *ян* ётади. *Ли* ва *Ки* тарафдорлари ўртасида кўп асрлардан бери давом этиб келаётга баҳсни ҳал қилиш мақсадида Ли Ик синтетик бир йўлни таклиф этади: ««*Ли*» ва «*ки*» бир куни пайдо бўлиб биргаликда яшай бошладилар; шу боис «*ли*» бирламчи деювчилар ҳам ҳақ, «*ки*» бирламчи деювчилар ҳам ҳақдирлар» [37:230дан иқтибос]. Шундай қилиб, бутун борлиқ уларнинг бирлигидан иборатдир.

Ли Ик *ки*ни икки турга ажратади: тэки (катта *ки*) абадий бош сабаб, моддий субстанция, ва соки (кичик ки), алоҳида нарсалар асосида ётувчи ва ўткинчи нисбий ҳарактерга эга бўлган ки.

*Ки* нафақат моддий нарсалар асоси балки руҳнинг ҳам асосидир. Ли Ик тўғридан тўғри таърифлайдики, «руҳ – бу кидир». *Ки* унинг йиғиндиси мустаҳкам бўлганида у шаклга кира бошлайди ва ўз-ўзидан англаш хусусияти ҳам шаклланади. Шундай қилиб, ҳар бир бунёдга келган шакл руҳиятга эга. Ли Икнинг айрим қарашларида гилозоизм ва панпсихизм элементларини кузатиш мумкин, айрим фикрларида эса файласуф аниқ равишда тушунча берадики, руҳ онгли бир нарса сифатида фақат инсондагина мавжуд бўлиши мумкин.

Ойна ёки сувнинг юзидан фарқли равишда руҳ ўзида нарсаларни фаол акс эттиради. Билиш бир жойда туриб қолиши керак эмас. Билим бойитиб борилиши лозим, билимни ошириш пассив ва стихияли эмас, балки фаол ва

онгли равишда бўлиши лозим: «Билган нарсада туриб қолмасдан унинг ўрганилмаган томонини ўрганган яхшироқ; ҳеч нарса тушунмагандан кўра уни тушунишга ҳаракат қилган яхшироқ; ҳар нарсани ўзича ташлаб қўйгандан кўра қилинмаган ишни амалга оширган яхшироқ. Тараққиёт айнан шундан иборат» [ўша ерда 229]. Билишнинг асоси ақлнинг фаолиятидан иборатдир. Билишни бешта ҳиссий аъзо ва юрак (руҳ) амалга оширади. Билишнинг ҳақиқийлигини амалий ҳаёт тасдиқлайди

«Сирхак»нинг кўпгина аъзолари каби Сонхо ҳам динга танқидий назар билан қараган. Унинг фикрича Будда культи, конфуциячиликдаги Осмон ва католиклар Худоси – буларнинг барчаси ўша ягона бир иллюзияга асосланган.

Барча одамларни Ли Ик уч турга ажратган: «олий ақлга эга» бўлган оз миқдордаги одамлар, ўзгармайдиган «ўрта меъёрдагилар» ва кўпчиликни ташкил этувчи, сифати ва феъли азалдан белгиланмаган, фақат тарбия жараёнида шаклланадиган одамлар тури.

«Сирхак»нинг бошқа вакиллари сингари Ли Ик ҳам ўз даври жамиятини танқид қилувчилар ва ислоҳотчилар қаторига кирган. Мамлакатдаги қашшоқлик ҳолатининг асосида Ли Икнинг фикрича «олтита ёмонлик» ётади: 1) крепостной қулчилиги; 2) табақачилик тизими: дворянлар, оддий одамлар, маҳкумлар фарзандлари ва қуллар орасидаги қонунлаштирилган фарқ; 3) «Кваго» имтиҳони асосида давлат хизматига қобилиятлилар эмас, балки олий табақа ва бойларнинг қабул қилиниши тизими; 4) сехргарлик ва хурофот; қимматбахо буюмлари тайёрловчи ҳунармандларни қўллаб қувватлаш; 5) монахларнинг текинхўрлиги; 6) меҳнатга оз миқдорда пул тўлаш ва дангасалик. Ислоҳотлар ҳақида сўз юритганда Ли Ик қисман киритиладиган ўзгартишлар эмас умуман қонунни ўзини ўзгартириш ҳақида шундай дейди: «Агар қонун эскириб қолган бўлса, у зарар келтиради, агар зарар келтираётган бўлса, уни бутунлай ўзгартириш лозим ва бу тўғри йўлдир » [ 37:231дан иқтибос].

Ер ислоҳоти масаласида Ли Ик Лю Хен Вон ғоялари кетидан боради ва ер деҳқонларга тенг тақсим қилиниб берилиши лозим деб ҳисоблайди. «Агар давлат бошқаруви, – деб ёзади у – ерларни тақсимлаб беришга асосланган бўлмаса қашшоқликдан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. Агар мамлакат бойлигини тенг тақсимлаш амалга оширилмаса, хуқуқ масаласида кучлилар ва кучсизлар бўлса давлатни қандай бошқариш мумкин?» [8:374дан иқтибос] Ли Ик лойиҳасига кўра ҳар бир деҳқон оиласига тегишли ер миқдорини аниқлаш, уни сотиш ва сотиб олиш мумкин эмаслигини қонунлаштриб қўйиш лозим. Ерни фақат у миқдордан ортиқча бўлганидагина сотиш мумкин.

Табақаларга бўлиниш ҳақида гапириб Ли Ик ёзади: «Давлатда инсоннинг қобилияти қадрланмас экан, унда иқтидорлилар бутунлай четга суриб қўйилган бўлади. Олий табақани ҳурмат қилиш,  ҳамда одамларни табақасига кўра ажратиш оддий ва ўрта ҳол одамларни  юзинчи авлодида ҳам давлат мансабларига яқин йўналишига йўл қўймайди… Крепостнойлар қонуни шунчалик қаттиқки, уларнинг фарзанди олий насаблар фарзанди ёнида ҳаттоки ёнма-ён туришга ҳам ҳаққи йўқ. [ўша ерда 375].

**«Пукхак» йўналиши**

«Пукхак» («Шимолдан илм») йўналиши сирхаклар таъсирида шалланган. Баъзан уни «сирхак»нинг бир шохобчаси сифатида ҳам талқин этадилар. «Пукхак» гуруҳининг йирик намоёнлдалари сифатида Хон Дэ Ен (1731–1783), Пак Чи Вон (1737–1805), Пак Че Га (1750–1805) ва Чон Як Ден (1762–1836)ларнинг номини тилга оладилар.

Янги йўналиш асосчиси бўлган Хон Дэ Ен (Тамхон) келиб чиқиши жиҳатдан олий янбан табақаси оиласига мансуб эди. Ёшлигида у на фақат корейс олимларнинг қарашлари билан балки, Оврупо ва Хитой олимларининг ютуқлари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлган.

Ўша давр ватанпарварлик туйғуларини изҳор этиб Хон Дэ Ён корейс неоконфуциячилигига анъанавий равишда хос

бўлган Хитой олдида сажда қилишга қарши чиққан. У шундай деб ёзган эди: «агар самодан туриб Хитойга ва варварлар мамлакатларига қаралса, марказ қаерда-ю чекка қаердалигини ажратиш қийин. Агар Хитой томонидан қаралса шарқ варварлари чеккада кўринади. Агар шарқ варварлари орасида бўлинса, унда Хитой узоқ чеккада кўринади. Чунки Конфуций хитойлик бўлган, шу боис ўз мамлакати ҳақида баландпарвоз гапларни айтган, агар у бошқа мамлакат вакили бўлганида эди, унда у ўзииинг мамлакатига худди шундай юқори баҳо берилган «Чуньцю» асарини яратган бўлар эди. » [8:377 дан иқтибос].

Олим одамларга, ҳаттоки давлатга ҳам ҳеч қандай фойдаси бўлмаган конфуциячилик борасидаги сҳоластик баҳсларга кескин қарши чиққан. Шундай деб ёзади: «Ахир уларнинг барча ҳаётий энаргияси юз томлаб турли асарларни ёзишга сарф бўлади. Бу ахир нафақат фаннинг ривожланишига ёрдам бермайди, балки қоғознинг нархини оширади, ўқувчиларнинг кўз ўнгида бир бўшлиқни ҳосил қилади. Ҳозирги олимлар онгининг бу касаллигини эса даволаш қийин» [24:99 дан иқтибос].

Ҳақиқий фан аниқ билимлар асосида шаклланиши лозим. Хон Дэ Ен ўз даври Кореянинг етук математик ва астроном олимларидан бўлган. Ўз асарларида ернинг думалоқ шаклда эканлигини ва унинг ўз ўқи атрофида айланишини, борлиқнинг абадий ва ческизлигини, қуёш ва ой тутилишларининг сабабини, ер қимирлаши, фасллар алмашиниши, атмосфера ҳодисаларини исботлаб беради. Хон Дэ Еннинг табиий илмий қарашлари унинг «Амалий математика», «Ыйсан тоғидаги суҳбатлар номли асарларида ўз аксини топган».

Олимнинг фалсафий қарашлари «Инсон ҳаётини ташкил этишда табиат шароитлари» ва «Конфуциячилик қонуниятлари ҳақида рисола» номли асарларда акс эттирилган.

Тамхоннинг айтишича борлиқнинг боши ҳам охири ҳам йўқ, унинг беқиёс кенгликлари моддий *ки* билан тўлдирилган. Мавжуд барча нарсалар, инсон ва унинг руҳи ҳам, *ки*нинг бирлашиши ва тарқалиши асосида содир бўлади. Хон Дэ Ен учун субстанция бўлган *ки* ва нарса бўлган *ки* мавжуддир. «Агар *«ки»*нинг моҳияти ҳақида гапирилса, - деб ёзади файласуф, - унда ёруғлик ва бўшлиқ, соф ва хира бўлиш ҳолатлари мавжуд эмас. Юқорига кўтарилиш, пастга йўналиш каби чексиз ва тез ҳаракатларда ва урилишларда *«ки»* турли шаклларга кириб боради – оғир ва қуюқ **ҳолат**лари чўкади, енгил ва ёнувчан ҳолати чўғ ва кулга айланади. Аниқ ва соф *«ки»*дан инсон яралади, хирасидан буюмлар пайдо бўлади, энг аниқ, соф ва нозик, шунчалик аниқ, соф ва нозикки, ҳаттоки кўриб бўлмайдиган *«ки»*дан инсон руҳи (ақли)яралади»[ 37:239дан иқтибос].

*Ки* ва *ли* дуализмини ҳимоя қилувчилардан фарқли равишда Хон Дэ Ен *ли ки*нинг таркибида фаолият кўрасатади дейди.. *Ли*, товуш, ранг, ҳид ва таъмдан маҳрумлиги сабабли таъсир кўрсатиш ва намоён бўлиш хусусиятига эга эмас, демак, борлиқнинг асоси ҳам бўла олмайди. *Ли* *ки*га эргашади: агар *ки* яхши бўлса, *ли* ҳам яхши, агар *ки* ёвуз бўлса, унда *ли* ҳам ёвуз.

Билиш назариясида Хон Дэ Ен башоратчилик (геомантика) тизимига, хурофотларга, абадийлик ва руҳнинг осмонга чиқиб кетиши ҳақидаги диний тўқималарни очиб ташлайди. Файласуф ақлнинг табиатнинг энг мураккаб сирларини англай олиш қудратига ишонади. «Ҳаттоки осмоннинг ўзи, - деб ёзади у, - баъзан инсоният ақл заковати олдида тиз чўкади» [26:110дан иқтибос].

«Сирхак» вакилларидан яна бири Тамхон ҳам мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизимни танқид остига олди ва ўзининг уни ислоҳ қилувчи лойиҳасини таклиф этди. Ўзидан олдингиларга ўхшаб, Хон Дэ Ен ҳам ерни тенг тақсимлаш таклифини киритади. Унинг фикрича, ҳар деҳқон оиласи тахминан 4 га ерга эга бўлиши лозим; эгаси вафотидан кейин

бу ер уч йилдан кейин бошқа хўжайинга ўтиши лозим. Ер учун олинадиган бож олинган хосилнинг ўндан бир бўлагидан ошмаслиги даркор.

Мамлакатдаги иқтисодий турғунликнинг сабабини файласуф дворянлар орасида меҳнат қадрининг жуда пастлигида деб билади. У барча учун бир хилда меҳнат жавобгарлигини ўрнатишни принципи – «барча аҳоли меҳнат қилиши шарт» ва «меҳнат қилмайдиган дангасалар, улар қайси табақа вакили бўлишидан қатъий назар, жазо олиши лозим» - деб талаб қилади. «Меҳнат қилмасдан еяётганларни бутун дунё олдида жазолаш ва шарманда қилиш учун, - деб ёзади файласуф, - қаттиққўл қонунлар керак. Кимда ким қобилият ва билимга эга бўлса, у ҳаттоки деҳқон ёки савдогар фарзанди бўлса ҳам, унга давлат бошқаруви ишларига йўл бўлиши керак, кимда ким қобилиятга эга бўлмаса ва билим олишга иқтидори бўлмаса энг паст ишларни бажариши лозим, агар у бош вазирнинг ўғли бўлса ҳам» [37:244дан иқтибос]. Шунга кўра Хо Дэ Ен таълим тизимини барча иқтидорли болаларга баробар қилишни ва давлат мансабларига қайси табақа вакили эканлигига эмас, балки қобилияти ва билимига қараб танлаш лозим деган фикрни билдиради.

«Шимолдан илм» гуруҳининг яна бир йирик вакили ўзидан кейин адабий ҳамда фалсафа, астрономия, география, тарих, ҳарбий таълим, иқтисод ва мусиқага оид бўлган кўпгина асарлар қолдирган Пак Чи Вон (Енам, 1737–1805)дир. Бошқа «пукхакист»лар сингари Пак Чи Вон фойда келтириши аниқ бўлган илм-фан томонида туриб чжусианликнинг сҳоластикасини танқид остига олади. У шундай деб ёзади: «Ҳаётдан ажралган, бесамар ақллиликни илм-фан деб бўлмайди. Илм-фан фойда келтирганидагина у керакли чўққида тура олади» [37:249дан иқтибос]. У хорижий мамлакатларнинг илм-фан ва техника борасидаги ютуқларини ўрганиш ва амалда қўллашни, янгилик ҳатто

«варвар»ларда бўлса ҳам ўрганиш лозим деган таклифни киритади.

Пак Чи Вон конфуцийчиларнинг иккиюзламачилик хусусиятини ҳам танқид остига олади. «Йўлбарс ҳайқириғи» новелласида у ўз яхши ишлари билан ҳурматга сазовор бўлган конфуцийчи-олимнинг худди унга ўхшаган ўз ақл заковати билан ҳурматга сазовор беш ўғилни беш отадан дунёга келтирган конфуциячи аёл билан яширин учрашувларини тасвирлайди. «Ҳурматга сазовор бўлган» конфуцийчининг «донишманд» аёл уйидан қочиш саҳнасига гувоҳ бўлган йўлбарс уни шундай таърифлайди: «Айтишларича ҳамма илмлилар ёлғончи эмишлар. Бу жуда тўғри экан… Сенинг чақмоқдек баланд овозинг, сенинг сафсатанг – ҳаммаси одамлар орасидаги муносабатнинг беш усулига бориб тақалади, ўзингга ёрдамда бу муносабатларнинг учтасига мурожаат этасан, бироқ шаҳарларда одамлар кесилган бурун,, товонсиз, юзида тамғаси билан юришибди – бу ўша сен айтган қоидаларга ва услубларга риоя қилмаганлар. Жазо қуроллари бир он ҳам бўш турмайди, сизлар эса бу одамларни ўзгартиришга ҳаракат ҳам қилмайсизлар. Йўлбарсларда бундай жазо ҳеч қачон бўлмаган. Бу нуқтаи назардан йўлбарслар қонуни сизларникига қараганда инсонпарварроқ эмасми?» [23:106-107 дан иқтибос].

Пак Чи Вон чжусианларнинг тарихни идеаллаштиришларига қарши чиқади. Қадимги давр донишманларининг асарлари ўзгариб бораётган давр қўяётган барча саволларга жавоб бера олмайди. Янги давр янги қарашларни талаб қилади.

Енамнинг айтишича бутун борлиқ ягонадир ва унинг келиб чиқиш манбаи ҳам ягонадир. Борлиқдаги барча таначалар ва табиий ҳодисаларнинг барчаси жуда майда чанглардан яралган. Буюм ва ҳодисаларнинг бу космик чангдан пайдо бўлиши шундай содир бўлган: «Тўпланиб

қолган чанг ерга айланган; ёйилиб кетгани - қумга; қотиб қолгани - тошга; намлангани – сувга; қизиб кетган чанг оловга; пишиб кетгани – металлга; тирик қолган чанг дарахтга; агар  чанг ҳаракатланса шамолга, агар иситилса у бирлашиб чувалчангга ўхшаш тирик жонзотга айланган. Биз эса ўша тирик жонзотлардан биримиз» [37:251дан иқтибос].

Буюмларнинг моддий асоси ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Ҳар бир нарса «чиль»нинг шакли ва доимий сифатининг бирлигидир. Агар нарсанинг шакли бузилса ҳам «чиль» аввалгидек ўзгармай қолади. Дарахтни кесиш мумкин, лекин унинг «чиль»и сақланиб қолади, ерни майдалаб ташлаш мумкин, лекин унинг ҳам «чиль»и йўқолмайди. Нарсаларнинг фақат шакли ўзгариши мумкин, лекин асоси эмас.

Ҳамма нарса доимий ўзгаришда: «Дунё жуда қадимий, лекин у доимий ўзгаришда. Қуёш билан Ой ҳам жуда қадимийлигига қарамасдан улар ҳар куни янгидир» [26:111дан иқтибос].

Енам таъкидлашича, билиш ташқи оламнинг туйғуларга таъсири натижасида амалга ошади. Файласуф бу жараённи қўнғироққа урганда чиқадиган товуш билан қиёслайди, Пак Чи Вон мистикани, фол очишни, буддизм ва католицизмни танқид қилади, дунёнинг яралиши ва осмондаги жаннат ҳаёти ҳақидаги  библияда ёзилган ривоятни «буддизм қолдиқларининг қолдиғи» деб баҳолайди.

Пак Чи Воннинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар борасидаги лойиҳаси ердан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги, қуруқлик ва сув транспорти, молия ва ҳарбий тизим ҳамда бошқа масалаларни ўз ичига олади.

Ер масаласида Пак Чи Вон уни барчага тенг тақсимлаш тарафдори бўлиб, қадимда ер тенг тақсимлангани ва «олий табақаларга кўпроқ ва оддий ҳалққа камроқ» деган қоидалар бўлмаганини таъкидлаб ўтади. Ер ҳар доим ҳам ҳукмронлар ва зодагонлар қўлида бўлавермаган. «Монарх, - деб ёзади Пак Чи Вон, - давлатда бор ернинг ҳаммасига хўжайин, агар

бу ҳолатнинг келиб чиқиш асосига қарасак, унда шундай савол туғилади, у қандай қилиб ва кимнинг шахсий мулкини ўз қўлига олиб олган» [24:126дан иқтибос]. Олим ердан «чегарали» фойдаланиш лойиҳасини таклиф этади, унга кўра ҳар бир инсон ўз улушини олиши мумкин, лекин унинг чегараси бўлиши лозим. Бу билан бировнинг ерига эгалик қилиш тугатилади, чунки ҳеч ким қонунда белгиланганидан ортиқ ерга эга бўла олмайди.

Пак Чи Вон табақаларга ажратиш ва улардаги ахлоқий қоидалар тизимини қоралаб чиқади. У қонуний ва ноқонуний туғилган фарзандларнинг ҳуқуқини тенглаштиришни, «олийлар» ва «пастлар» деган ажратишларни йўқ қилишни талаб қилади. «Олий» дворянларни у «талон-тарожчилар», уларнинг ахлоқини эса - «ўғрилар ахлоқи» деб баҳолайди, ҳақиқий ахлоқ «бойларга ва олийларга» эмас, кўпроқ «камбағал ва паст табақаларга» хосдир дейди.

Пак Чи Воннинг ғояларини унинг шогирди Пак Че Га (1750–1805) ривожлантирди. Ноқонуний туғилган фарзанд бўлишига қарамасдан Пак Че Га жамиятда обрў қозона олди. У шох саройида китоб хазинаси бошлиғи мансабини эгаллаган, Хитой билан дипломатик алоқалар гуруҳида ишлаган. Хитой ва бошқа мамлакатларнинг турли соҳалардаги ютуқлари билан танишиб, Пак Че Га хориж ютуқлари ва тажрибаларини ўзлаштириш тарафдори бўлади. «Агар Корея, - деб ёзади олим, - бошқа мамлакатлар билан савдо ва маданий алоқалар ўрнатганида эди, бизнинг давлат ҳам бойиб кетган бўлар эди ва керакли товарларни қўлга киритган бўлар эди… Хориж мамлакатлар билан алоқа қилиш уларнинг техникасини, урф-одатларини ўрганишга имкон яратар эди ва бу орқали ҳалқимиз илмини ошира олган бўлар эдик» [24:153 дан иқтибос]. Бу борада у ички ва ташқи савдони йўлга қўйишга имкон берувчи денгиз савдо йўлини ривожлантиришни таклиф этади. У шундай деб ёзади: «юзта арава битта кеманинг ўрнини боса олмайди, шу боис савдо учун энг қулай йўл денгиз йўлидир»[8:381дан иқтибос].

Олим шу билан бир қаторда табақалар тизимини, зодагонларнинг бекорчилигини, давлат мансабларига ўтказиладиган имтиҳонларни, геомантия, фолбинлик ва бидъатларни қоралаб чиқади,

**Чон Як Еннинг ижтимоий-фалсафий қарашлари**

«Пукхак» мактабининг ғоя ва принципларига якун ясаган унинг энг охирги вакили XVIII аср охири – XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган буюк файласуф Чон Як Ден (Дасан, 1762–1836)дир. Диний-фалсафий, тарихий ва адабий асарлар билан Дасан ёшлигиданоқ таниша бошлайди. 16 ёшидаёқ у Ли Икнинг асосий асарларининг барчасини ўрганиб чиқади. Кейинчалик у католикларга ва ғарб мамалакатлари илм-фан ютуқлари билан танишади. У табиий ва техник фанларни: математика, астрономия, механика, оптика, физиология, медицина, география, фортификация, қурол-яроғ ва бошқаларни чуқур ўрганади. Чон Як Ен ўзидан кейин тахминан 500 томдан ортиқ фалсафага, астрономияга, географияга, тарихга, хуқуққа, сиёсатга, иқтисодга, ҳарбий таълимга, адабиётшуносликка ва тилшуносликка оид асарлар қолдирган.

Файласуф чжусианликни танқид қилади. Саройида хизмат қилувчи шохга яқин бўлган конфуцийчилар орасида унинг душманлари кўп эди. Натижада, олим ғарб илмини ўрганганликда айбланиб ўз қарашлари учун кўп йилларни сургунда ўтказган.

Чон Як Ен Антологияси моддийистик қарашлар приципига асосланган. Ўраб турган олам ягона мавжуд дунёдир. Дунёнинг асосида азалдан мавжуд б**у**лган «Буюк Чегара», ҳали дифференциацияланмаган **б**ўшлиқдан иборат материя ётади. Кейинчалик у бўлинади ва шаклга кира бошлайди. Космогенезик жараён миқдор ва сифат билан белгиланган. Миқдор сифатида у 4 га ажралиш асосида ташкил топади: бирни иккига, иккининг тўртга, тўртнинг саккизга ва ҳоказо. Сифатда у 4 босқичга бўлинади: тхэек (*ки*

ҳали пайдо бўлмаган), тхэчо (*ки*нинг пайдо бўлиши), тхэси (шаклларнинг пайдо бўлиши) ва тхэсо (борлиқнинг вужудга келиши).

Космогенез бирма бир ҳолда шундай рўй беради. Буюк Чегара (битта нарса) бўлиниб осмон ва ерни ташкил этади (иккита нарса). Осмон ва Ер қарама-қарши сифатларга ва жойлашишга эга. Осмон юқорида жойлашган. У енгил ва тиниқ; ер эса пастда жойлашган ва у оғир ҳамда хира. Осмон ва ер иккитага бўлиниб осмон, ер, сув ва оловга айланади. Улар бўлиниб саккиз нарсага: осмон, ер, сув, олов, чақмоқ, шамол, тоғлар ва сув хавзаларига айланади. Осмон ва оловнинг ўзаро таъсири чақмоқ ва шамолни бунёдга келтиради. Ер ва сувнинг ўзаро таъсири эса тоғ ва сув ҳавзаларининг бунёдга келишига олиб келади. Кейинчалик Қуёш, Ой, осмон жисмлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар вужудга келади.

Ноорганик табиат, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсон ҳар хил бўлса-да, улар *ки*дан ясалгани учун бир хилдир. *Ли*га келсак у барча нарсаларда мавжуд, лекин «барча нарсалар»ни кўрувчи «руҳ» мавжудлиги ҳақида ҳам гапирган.

Барча мавжудот ўзаро тенг бўлган қарама-қаршиликлар бирлигидан иборат деб билган. Дунёда ўзгармас нарса йўқ, уларнинг барчаси ўзгариш қонунига бўйсунади. Борлиқ пайдо бўлишининг ва унинг ўзгарувчанлигининг ягона сабаби икки кучнинг – *ым* ва *ян*нинг ўзаро таъсиридир.

Гносеологияда Дасана субъектнинг ташқи дунё билан ўзаро алоқаси принципига асосланади. Бунда ташқи дунёни англаб берувчи инсоннинг сезиш органлари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Уларсиз тафаккур қилиш мумкинлиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. «Инсон руҳи, - деб ёзади Дасан, - ҳеч қандай шаклга эга эмас; у фақат қулоқ, кўз ва бурунларнинг сезиш қобилияти туфайлигина билиш хусусиятига эга» [37:275 дан иқтибос]. Билиш эса фаол бўлиши ва амалиётга асосланган бўлиши лозим. Файласуф нарсаларни ўзида акс

эттирадиган ойнани ҳам мисол келтиради, бироқ у бизнинг билимимизни ошира олмайди - дейди.

Антропологияда Чон Як Ен инсоннинг азалий мавжуд табиати ҳақидаги қарашларни танқид остига олади.

У инсон хусусиятларининг туғма эканлигига қарши чиқади. У одамларни худди табиат қонунидек табақаларга бўлишга («олийлар», «ўрта ҳоллар» ва «паст табақалар») қарши чиқади. Шундай бўлса-да, унинг ўзи ҳам одамларни «донишмандлар» ва «нодон»ларга ажратади ва бу сифатларни эса инсоннинг ўзи яратади деб ҳисоблаган.

«Пукхак»нинг бошқа барча вакиллари қатори Дасан ҳам динни, мистикани, бидъатларни, физиогномикани, геомантияни ва ота боболарга сиғинишни танқид остига олади. «Қандай қилиб мозорда ётган суяклар авлодларга яхшилик олиб келиши мумкин, - деган саволни қўяди Чон Як Ен, - **ҳатто**ки улар, дейлик, ернинг энг яхши парланишидан ўтган бўлсалар ҳам, агар авлодлар ҳақиқатан ҳам ўз камчиликларига, ҳаёт ва ўлимларига ўзлари ҳукмрон бўла олмасалар ҳам?» [37:279дан иқтибос]. Ҳалқнинг қашшоқлигининг сабаби бидъатларга ишонишдадир. Агар қашшоқлик бўлмаса ўғирлик бўлмайди, қўрқув йўқолади, ўз-ўзидан бидъатлар ҳам йўқолади. Буддизм ва христианлик, дейди Чон Дасан, билимсизликда бир хилдир.

Файласуф маънавий ва **ҳ**уқуқий **регулятор**ларни бир-бирига қарама-қарши қўяди ва биринчиликни маънавиятга беради. Қадимни идеаллаштириб, қадимда ҳукмронлар маънавиятнинг умумий қоидалари - «одоб» и «маросимлар» - асосида бошқарганлар дейди у. Кейинчалик одамлар уларга риоя қилмай қўйдилар ва уларнинг ўрнини қонун эгаллади. Бироқ қонунга доим тажовуз, куч ва зўравонлик ҳамроҳлик қилади. Уларга асосланганда эса «яхши ҳимматли бошқарувни »ни амалга ошириш қийиндир. Яна маънавиятга асосланган бошқарувга қайтиш лозим деб ҳисоблайди

Конфуцийчиликдаги императорнинг Осмон фарзанди, монархия асосида бошқариш эса Осмон буйруғи деган

қарашларга Чон Як Ен монархия институтининг табиий-тарихий талқинига асосланган ҳолда жавоб беради. Ҳеч қандай ҳукмдор бўлмаган даврлар ҳам бўлган. Одамлар орасида агар келишмовчилик туғилса улар оқсоқолларга мурожаат этишган. Улар орасидаги донишмандроғи қишлоқ оқсоқоли ҳисобланган. Агар келишмовчилик қишлоқлар орасида бўлса одамлар қишлоқ оқсоқолларига мурожаат этишган ва улар орасида энг донишманди қишлоқлараро оқсоқол этиб тайинланган. Бу донишманлар танлаган шахслар эса императорни сайлаган. Дасан бундан шундай хулоса қиладики, «ҳукмдор ҳалқ учун хизмат қилиши лозим». Агар ҳукмдор уни сайлаган ҳалққа хизмат қилмас экан, ҳалқ уни олиб ташлашга ҳақлидир.

Бундан келиб чиққан ҳолда Чон Як Ен шох тахтининг авлоддан авлодга ўтиш тизимини ноқонуний ва қадимий анъаналарга хилоф деб инкор этади. «Қадимда, - деб ёзади Дасан, - шох ҳалқ томонидан сайланар ва шох чиқарган барча қонунлар унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши лозим эди. Лекин маълум бир вақтдан бошлаб кимдир ҳукуматни ўз қўлига олиб император бўлиб олди ва ўзининг ўғиллари, ака-укаларини князларга айлантирди, улар ҳам ўз навбатида ўз яқинларини турли мансабларга тайинладилар ва шу тарзда кетаверди… Шу даврдан бошлаб император ҳалқ манфаатини назарга олмайдиган, фақат ўзининг манфаатини кўзлайдиган қонунлар чиқара бошлади … Қонунлар ҳалққа эмас, императорга хизмат қила бошлади» [24:149дан иқтибос].

Чон Як Ен ўз даврининг жамиятини қоралайди. Турли мансабдаги амалдорларни «оддий ҳалқнинг гўштини еювчи» ўғрилар, туман ҳокимларини эса – катта қароқчилар деб атайди. У табақачилик тизимини йўқ қилиш, давлат мансабларига одамнинг билими ва қобилиятига қараб тайинланиши, дворянлар унвони ва имтиёзларининг авлоддан авлодга ўтиш тизимини соддалаштириш тарафдори бўлиб чиқади. Натижада тенглик бўлмагани учун, дейди олим, 10 тадан 9 киши мамлакат бошқарув ишларига

тайинланмаган – врачлар, ўқитувчилар, таржимонлар, оддий одамлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Туғилиш ҳудудига қараб одам ажратиш ҳам унинг норозилигини уйғотади: «Қобилиятли одамни туғилган жойи нобоплиги учун ҳам четлатиш мумкинми, ахир?» [9:315дан иқтибос]

Ер масаласида Чон Як Ен шундай шиорни олдинга суради: ерни ерга ишлов берадиган олади. Агар ундан аввалгилар ерни жамиятнинг барча аъзоларига, ҳаттоки помещикларга ҳам, тенг тақсимлаб бериш усулини таклиф этган бўлсалар, Дасан эса помешикларни ер олишга ҳақли эмас деб ҳисоблайди. Ерга жамиятнинг фақат икки вакили давлат ва деҳқон эга бўлиши мумкин. Бунда деҳқонлар ерни индивидуал ёки оила билан олиб ишлов бермайдилар балки, қишлоқ жамоаси сифатида (30та оила)  оладилар. Деҳқонлар билан ҳисоб-китоб эса ишлаган куни ҳисобидан олиб борилади.

## 7 Боб  XIX аср ва XX аср биринчи ярмида Чосонда Корейс фалсафаси

**Феодализм инқирози ва капиталистик муносабатларнинг шаклланиши**

XIX асрнинг 70-йилларигача ташқаридан узилган ҳолда сиёсат олиб борган Корея, қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчиликка асосланган аграр сиёсатга таянган. Мануфактура ва машинада ишлаб чиқариш умуман бўлмаган.  Аҳолининг асосий қисми деҳқонлар қаттиқ эксплуатация ва тўловларга кўмилган ҳолда жуда қашшоқ яшаганлар.

10% гина деҳқонлар ўзининг хўжалигига эга эди. Қолганлар помещиклардан оғир шартларга ижарага ер олиб қийин аҳволда кун кўрар эдилар. Деҳқонларни қашшоқликдан чиқармайдиган оғир тўловлар (ер солиғи, ҳовли солиғи, вилоятларга бериладиган солиқ, йўлда йўқолган доннинг

ўрнини тўлдириш учун тўланадиган дон солиғи) ва яна бир қанча қарзлар. XIX асрнинг биринчи ярмида Кореяда жами 40дан ортиқ тўлов турлари мавжуд эди [9:300]. Ижара, бож ва бошқа тўловларни тўлагандан кейин деҳқонда йиққан **х**осилнинг саккиздан биригина қолар эди.

XIX асрнинг биринчи ярми давомида Корея турли офатларни: табиий офат, хосилсизлик, очлик, ўлат кабиларни бошидан ўтказди. Очлик ва қашшоқлик деҳқонларни ижарага олган ерларини ташлаб тоғли ҳудудларга қочиб кетишга мажбур қилди. Тоғ ён бағирларида омонат ҳужралар қуриб улар табиатнинг бир чеккасида жон сақлаб юрдилар. XIX асрнинг ўрталарига келиб Кореядаги мавжуд ерларнинг учдан бир қисми  ташландиқ ҳолда ётарди. Кўпгина деҳқонлар дайди бўлиб кетгандилар. Қўшни мамлакатларга чиқиб кетиш ҳолатлари ҳам оммавий тус ола бошлади.

Асрлар давомида корейс жамияти тўрт табақага (қатламга) бўлинар эди. Биринчисига дворянлар – ҳукумат ва вилоят ҳокимлари, ҳарбий офицерлар («янбанлар») ёки олий тоифалар, иккинчисига - врачлар, рассомлар, таржимонлар, астрономлар, астрологлар, майда амалдорлар («чуйнин» ёки ярим олийлар), учинчисига – деҳқонлар, майда савдогарлар, ҳунармандлар, балиқчилар («ян мин» ёки олиймаслар) ва тўртинчисига – қуллар, ҳамда уларга тенг саналувчи қассоблар, этикдўзлар, раққосалар ва бошқалар («чен мин» ёки қуллар). Бу табақаларга бўлиниш маълум бир табақа вакили бўлган корейсни бутун умр ҳаёт тарзини белгилар эди. Олий бўлмаганлар ўз ота-боболарига, янбанлар ҳам ўз ота-боболарига сиғинар эдилар. Оддий ҳалқ янбанлар учун кўз ёши тўка олмас эди, чунки бу янбанни ҳақоратлаш билан баробар ҳисобланган. Оддий корейс ҳеч қандай хуқуққа эга бўлмаган. Янбан хоҳлаган оддий одамни ўзи учун ишлашга, унинг моли ва иш қуролларини ҳам ишлатишга мажбур қила оларди. Янбанни уйи ёнидан ўтаётган оддий корейс тез ўтиб кетиши лозим бўлган.

XVII ва XVIII асрлар давомида кўпгина корейс зиёлилари иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш лозимлигига ўз эътиборларини қаратганлар, жумладан, табақаларга бўлинишга барҳам бериш, илмнинг аҳамиятини ошириш, ҳалқ бошидаги оғир тўловларни камайтириш ва бошқалар. Қандайдир туб ўзгаришларнинг йўқлиги шунга олиб келдики, 1812 йилдан кейин XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб мамлакатда деҳқонлар қўзғолонлари бўла бошлади. Сийқаси чиқиб кетган тузумнинг емирилишига сабаб бўлган яна бир факт мамлакатнинг изоляциядан чиқиши ва чет мамлакатлар билан алоканинг урнатилиши натижасида капиталистик муносабатларнинг шаклланиши бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярмида турли мамлакатлар учун Корея товар сотиш бозори ва арзон хом ашё манбаининг объектига айлана борди. Британия, Россия, Франция, Америка ва Япония кемалари Кореянинг сув ҳудудларида пайдо бўла бошлади.

1876 йили, корейслар томонидан Япон кемаларининг ўққа тутилишидан фойдаланиб япон флотилияси Канхвадога лангар ташлайди, айнан шу ерда Японияга қулай шартларга асосланган у япон кемалари ва савдосининг корейс портларига киритилиши ҳақидаги шартномага имзо чекилган эди.[20:44-46]. Кореяга бўлган қадимги таъсиридан маҳрум бўлишдан қўрққан Хитой Японияга қарши ўз ҳаракатини бошлайди. Унинг ёрдамида 1882 йилда Корея АҚШ билан кейин эса Англия, Германия, Россия, Франция, Австрия, Белгия ва Дания билан шартномалар тузади. Кореянинг иқтисодий жиҳатдан кам ривожланганлиги ва корейс бозорининг ҳимояланмаганлиги натижасида Кореяга чет эл капитали ва товарларининг кириб келиши мавжуд хўжаликни бутунлай синдирди, деҳқон ва ҳунармандлар бутунлай инқирозга юз тутдилар, мамлакатдан қишлоқ хўжалик махсулотлари бўлмиш тери, қимматбаҳо металлар ва минерал хом ашёларнинг олиб чиқиб кетилишига сабаб бўлди.

Иқтисодий танглик, 1893 йилдаги ҳосилсизлик натижасидаги оммавий очлик 1894 йилда тонхак ҳаракати тарафдорлари бошчилигидаги деҳқонлар қўзғолонига олиб келди. Уларнинг талаблари: ҳалқни қашшоқликдан сақлаб қолиш, қатъий давлат бошқарувини жорий қилиш, «сотқин ва қаҳри қаттиқ» бошлиқларни ўлимга маҳкум этиш, мамлакатни чет эл босқинчиларидан озод этишдан иборат бўлди. Корея ҳукуматининг илтимосига кўра мамлакатга хитой ҳарбийлари олиб кирилди, уларга кесма-кесарлик қилиб Япония ҳам ўз ҳарбий кучларини бу ерга олиб кирди. Натижада япон-хитой уруши  бошланиб кетди. Кореяга ўз таъсирини кучайтиришни асосий мақсад қилиб олган бу урушда Япония ютиб чиқди ва у мамлакатни ўзининг ярим мустамлакасига айлантиради. Тонхак ҳаракати эса ҳукумат ва япон ҳарбий кучлари томонидан бостирилди. Кореянинг Япония томонидан мустамлака қилинишига қарши чиққан малика Мин ўлдирилади. Иқтисодий талон-тарож ва мажбурий равишда японлаштириш нафақат деҳқонлар орасида балки мустақиллик учун японларга қарши курашчиларга қўшилиб кетган дворянлар орасида ҳам оммавий норозиликларга олиб келди. 1910 йилда эса Япония Кореяни бутунлай босиб олди ва уни  япон генерал-губернаторлик ҳокимияти бошқарадиган мустамлака мамлакатга айлантирди.

Корейс «ёпиқлик сиёсатининг» тугаши ғарб илм-техника ютуқларининг, насронийлик ва ижтимоий-сиёсий назарияларнинг кириб келганини англатар эди. 70-80 йилларда корейслардан бир неча гуруҳи Япония ва Хитойга ғарбнинг давлат қурилиши, саноат, таълим, ҳарбий ва бошқа соҳаларда эришган ютуқлари билан танишиш учун юборилган эди.

1894 йилги деҳқонлар уруши, сиёсий ва иқтисодий инқироз, ташқи таъсирнинг тазйиқи кучайиши корейс ҳукуматини ислоҳотлар ўтказишга мажбур қилди. Шох саройини ҳукуматдан алоҳида ажратиш, бюджет тизимини

яратиш, солиқ тизимини ўрнатиш, гражданлик ва жиноий кодексkларни жорий этиш, чет мамлакатда таълим олиш каби масалаларни ўзида мужассамлаштирган дастурлар ишлаб чиқилди. Янги дарсликлар нашр этила бошлади, чет тилини ўргатувчи курслар фаолият кўрсата бошлади. Танқид кучи остида ҳамда ижтиомий кескинликни юмшатиш мақсадида 1893–1894 йилги деҳқонлар урушидан кейин ноби тизими бироз соддалаштирилди, оддий одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эса янбанлар билан тенглаштирилди. Мансаб эгаллаш учун ўтказиладиган Чин-кваго имтиҳонлари ҳам эскирган анъана сифатида йўқ қилинди.

Анъанавий давлат ва мафкура тизимининг танозили, чет эл таъсири, турли гуруҳлар орасидаги ҳокимият учун курашлар мамлакатда консерваторлар ва ислоҳотчилар партиясининг шаклланишига олиб келди. Бу қарама-қаршиликлар фалсафа ва мафкура соҳаларида конфуицианлик ва маърифатпарварликнинг ўзаро кураши сифатида намоён бўлди.

**Чжусианлик танозили**

XIX асрда ортодоксал чжусианликнинг фаоллашуви кузатилди. Бундай ўзгариш «чурирон» мактаби доирасида кузатилиб «сирхак», «пукхак», «чугирон», «хань таълимоти» мактаблари моддийистик қарашларининг ёйилишига ва Ван Ян-мин мактабининг субъектив-идеалистик фалсафасига нисбатан ўзига хос бир реакция сифатида намоён бўлди. Бу барча оқимлар, ҳамда XIX иккинчи ярмида шаклланган католиклик ва тонхак сектаси **«**бидъат**»** деб эълон қилинган эди. «Вижон чхокса» («ҳақиқатни сақлаш ва бидъатни тугатиш») номли бутун бир ҳаракат пайдо бўлди, ва бунда «ҳақиқат» деганда ортодоксал чжусианлик тушунилди. Бу ҳаракатнинг асосий вакиллари Ки Чон Чин (1798–1876), Ли Чин Сан (1818–1885), Чхве Ик Хён, Лю Ин Сок ва бошқалар бўлдилар. Шохга мурожаат қилганда «Вижон чхокса» мафкураси тарафдорлари шундай деб ёзардилар: «Давлатнинг ягона тўғри мафкураси Чжу

Сининг таълимоти  деб тан олувчилар ва унинг ахлоқ қоидаларини бажарувчиларгина гуллаб яшнаши мумкин[: 24:187 дан иқтибос].

Ки Чон Чин таълимотига кўра, барча мавжудликнинг биринчи сабабини идеал *ли* ташкил этади. Айнан *ли ки*нинг, беш унсурнинг, барча нарса ва ҳодисаларнинг  асосидир.

*Ли* «Осмон»га бўйсунган ҳолда барча нарсаларнинг пайдо бўлиши ва ҳодисалар содир бўлишининг сабабини ташкил этади. Бу дунёда ҳамма нарса азалдан белгиланган. Ки Чон Чин шундай деб ёзади: «Ҳамма нарса Осмоннинг истагига кўра бўлади. Ҳамма нарсаларнинг шундай эканлигига Осмоннинг хоҳишидан бошқа сабаб йўқ» [37. 333дан иқтибос]. Шу боис *ли*га эргашиш яхшилик аломати, уни бузиш ёвузлик аломатидир. Худди шу тарзда  *ли*ни англаш ҳақиқатни англашдир.

Янги шароит таъсирида мамлакатда ижтимоий ва мафкуравий асосларга эга бўлган турлича  иқтисодий ва сиёсий тамойиллар шаклланди.

Ортодоксал чжусианлик вакиллари «ҳақиқатни сақлаб қолиш» ва «эскиликни тубдан йўқотиш» шиори остида чиқдилар. Бу чиқишлар нафақат корейсларнинг моддийистик қарашлари ҳамда Ян Ван Мин қарашлари билан балки хорижнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари билан боғлиқ анъанавий эски турдаги таълимотларни ҳамда Кореяни хориж услубида қайта ислоҳ қилиш каби режаларни назарда тутади. Муҳожирларга қарши ва конфуцийчилик тарафдори кайфиятидагиларни ҳукумат қўллаб қувватлади. Католик миссионерлар томонидан Кореяга олиб кирилган насронийлик қаттиқ қаршиликка учради. Насронийликни умуман ман қилувчи қонун аслида 1786 йили қабул қилинган эди. XIX асрга келиб эса насронийлик умумкорея миқёсида таъқиб қилинди.

Чжусианлар учун хорижда ягона намунавий давлат бу Хитой бўлиб қолди. Унинг олдида сажда қилиш ҳақида ортодокслардан бири Чхве Ик Хён айтган эди: «Шимол! Бу

ерда Осмон ва Ер пайдо бўлган, *«ым»* ва *«ян»*лар ҳам биринчи бўлиб бу ерда пайдо бўлган. Шу боис, айнан шу ерда барча буюк, пок ва комил «*ки*»лар бирлашиши юз берган, бу ер буюк донишмандлар еридир. Чхве Ик Хён учун Хитой – тараққиёт синонимидир, бошқа ҳалқлар эса – бузғунчилардир.

Анъанавий тизимнинг радикал тарафдорлари чет элнинг ҳар қандай таъсирига қарши чиқдилар. Жумладан, Ли Хон Хо (1792–1868) ғарб товарларига байкот эълон қилишни таклиф этган ва бу билан мамлакатни ғарблаштиришни олдини олиш мумкин деб ҳисоблаган. Конфуцийчиликнинг ўртача йўл тутадиганлар қаноти вакиллари, жумладан, Пэк Нак Кван, чет эл сармоясини фақат мамлакат иқтисоди оёққа туриб олганидан кейингина киритиш мумкинлиги ҳақида фикр билдирганлар.

Япон агрессияси даврида кўпгина конфуцийчилар, «Вижон чхокса» ҳаракати иштирокчилари ватанпарвар шиорлар билан чиқдилар ва японларга қарши курашга чақирдилар. Бу курашларда иштирок этиш шакллари турлича бўлган. Айримлари қаршилик ва бўйсинмаслик акциялари билан чиқдилар.

Жумладан, корейс қироличаси ўлдирилганидан сўнг япон ҳокимияти корейс ҳукуматини корейс миллий соч турмагини қилишни ман қилувчи декрет қабул қилишга мажбур қилган. Чхве Ик Хён буни амалга оширишдан бош тортган, натижада ҳибсга олиниб япон қамоқхоналарига ташланган ва ўша ерда оламдан ўтган. Бошқалари, Ю Рин Сек кабилар, қаршилик кўрсатиш қуролли ҳарактида иштирок этган. Конфуциячилик назариётчиларининг деҳқонлар билан бирга партизанлик чиқишлари уларнинг онгини ўзгартирмай қолмади.

Ю Рин Сек (1843–1917), файласуф ва «ҳаққонийлар армияси» номли партизанлар ҳаракати раҳбарларидан бири, ўз қарашларида конфуциячилик **доктриналарига шунчалик** оддий шрафт кўп янгиликлар киритадики, энди унинг

таълимотини том маънода чжусианлик деб аташ ҳам мумкин бўлмай қолади.

Конфуциячиликнинг бош тушунчаларидан бири – ахлоқийлик тўлиқ равишда қайта кўриб чиқилади. Ахлоқийликни ички комилликка етказувчи мавҳум бир тушунчалар тизими сифатида инкор этади. Ахлоқийлик унинг учун аниқ бир амалиёт бўлиб, уни кези келса «чет эл пушкалари бир кун ўқталиб қолинса» душманга қарши қўйишга лойиқ бўлган бир тушунчадир.

Ортодоксал конфуциячиликдан фарқли равишда Ю Рин Сек олий тоифадаги (идеал) олим тушунчасини ҳам бошқача тасаввур қилади. Олим ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам ҳунармандчилик, ҳам савдо, ҳам ҳарбий ишларда мутахассис бўлиши лозим. Ҳарбий ишга Ю Рин Сек алоҳида эътибор қаратади. У ҳатто жамиятнинг анъанавий иерархияси қатламига ҳарбийлар қатламини ҳам киритишни таклиф этади.

**Чхве Хан Ги фалсафаси**

XIX аср корейс фалсафаси тарихида нафақат объектив идеализмнинг ривожланиши билан балки моддийистик қарашларнинг ҳам ривожланиш босқичи бўлди. Бу қарашлар файласуф олим ва энциклопедист, ўзидан кейин фалсафа, математика, мантиқ, астрономия, география, физика ва психология соҳаларида катта мерос қолдирган Чхве Хан Ги (1808–1873) қарашларида ўз аксини топган. Чхве Хан Ги таълимоти ғарб илм-фан ютуқларини ўзида мужассамлаштирган таълимот бўлди.

Чхве Хан Ги ортодоксал конфуциячиликка тўғридан тўғри қарши чиқди ва янги замон янгича қарашларни талаб қилади деган фикрни билдирди.

Чхве Хан Гининг фалсафий онтологияси моддийистик ва табиий илмий тамойилларга асосланади. «Умуман ва асосан, - деб ёзади у, - табиат ва инсоннинг пайдо бўлиши *«ки»* моддийистик ибтидонинг фаолияти натижасидир». [26:114 дан иқтибос].

Чхве Хан Гининг билиш назариясида Ван Ян-миннинг ички сезги ёки ҳиссиёт (интуитивизм) тушунчасини ҳамда даосларнинг сезги органларига бўлган эҳтиёткорсиз муносабатларини танқид остига олади. Рационализмнинг бир томонламалигини танқид қилиш билан бир қаторда Чхве Хан Ги бир томонлама характерга эга бўлган сенсуализмни ҳам қабул қилмайди, бунда эслаш ҳамда кўпчиликнинг амалий тажрибасисиз барча эшитилган ва кўрилган нарсалар ҳар сафар янгитдан тасаввур этилиши лозим бўлар эди деб ҳисоблайди.

Инсонни файласуф «ўзига хос бир машина» деб ва унинг сезги органларини эса маълум бир вазифани бажарувчилар сифатида таърифлайди. Руҳнинг абадийлиги ҳақидаги таълимотни файласуф инкор этади, ўлимдан кейин руҳнинг абадийлиги ҳақидаги барча фикрларни исботлаб бўлмайдиган «тўқималар» деб ҳисоблайди.

Чхве Хан Ги маърифатли абсолют монархия тарафдори бўлиб чиқади. Мамлакат ҳаётида «ягона ҳокимиятга бўлган ҳурмат» да намоён бўладиган «тинчлик ва осойишталик» энг муҳим ўринни эгаллайди деб ҳисоблайди. Мавжуд ҳолатда ҳукуматга бўлган ҳурмат ва монарх атрофида бирлашиш монархияни идеаллаштириш учун чақириқ эмас, балки чет эл таъсири ҳавфидан озод бўлишга йўналтирилган ватанпарварларга чақириқдир.

**«Тонхак» мактаби**

Ортодоксал чжусианликка қарама-қарши шаклланган бошқа бир йўналиш Чхве Че У (1824–1865) асос солган «тонхак» ёки «шарқ таълимоти» мактаби бўлди.

Чхве Че У фалсафасининг асосини пантеизм ташкил этди. Бир томондан олам *ым* и *ян* қудратига эга бўлган чегараланган *ки*дан иборат бўлади. Бошқа томондан эса табиатнинг ўзи Яратган билан чатишиб кетган, ва бунда инсон ўз моҳиятига кўра Яратганнинг ўзидир. «Инсон Осмон (Яратган) билан тенгдир», - дейди файласуф. Руҳ ва *ки* шунчалик бир-бири билан чатишиб кетганки, улар орасидаги

чегара умуман йўқ бўлиб кетади (чегарани сезиб бўлмайди). Энди Чхве Че У моддий объектларни (осмон, ер, инсон танаси) руҳ деб, руҳий жараёнларни (руҳнинг ҳаракати, нутқ, кулги) ларни модди бўлган *ки* деб эълон қилади.

Инсонни Яратган даражасига, инсон онгини эса илоҳий даражага кўтариш файласуфнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг асоси бўлди. Чхве Че У ҳокимиятнинг ҳар бир инсонга ўзига хос муносабат кўрсатиш, деҳқонларни қашшоқликдан қутқариш ва чиновниклар томонидан ўз мансабини суистеъмол қилишга чек қўйишни талаб қилади. У дунёда ҳаёт йўқ, шу боис одамлар бу дунёда бахтли яшашга ҳақлидирлар, бу эса ерда осмоний ҳақиқатни ўрнатиш керак демакдир. Қуйида унинг 1860 йилги нутқида айтиб ўтган мулоҳазаларидан бир парча: «Эй, олам азобларидан қочаётган омма! Мен ҳақиқат йўлини топдим. Нотўғри йўлларда адашиб юрманг. Кўпчилик оламдан ўтиб кетди, чунки аввалги йўллар нотўғри бўлган… Аввалги йўл келишмовчилик ва камситиш йўли эди: озчилик роҳатда яшаш ва ўз кучига ишониш имкониятига эга бўлган, лекин кўпчилик азоб уқубатга, қуллик ва ўлимга маҳкум эди. Энди биз инсонга Осмонга (Яратганга) хизмат қилгандек хизмат қилиб яшаш йўлини танлаймиз. Биз бахтли ҳаёт кечирамиз, чунки тенгликда ва озодликда яшаймиз» [27:78 дан иқтибос]

Янги диний таълимот **соҳак** («ғарб таълимоти» ёки католиклик)га қарши равишда тонхак («шарқий») деган ном олди. У ўзида буддизм, конфуциячилик, даосизм ва **хварано**лар таълимоти элементларини мужассамлаштирди. Конфуциячиликнинг «яшашнинг беш асосий қоидаси» тамойили, буддизмнинг – «руҳни поклаш», даосизмнинг – танани маънавий ва физиологик поклаш, католикликларнинг – монотеизм ғояси ва яратганнинг «Осмон ҳокими» деган номлинишини қабул қилди [24:171дан иқтибос]. Тонхак мактабининг тенглик ғояси конфуциячиликдаги олий ва паст табақалар ҳақидаги таълимотини инкор этади.

Чхве Че У мусиқа ҳақида ўзининг ғояларини таклиф этади ва унинг қўшиқлари деҳконлар орасида манифестга айланиб кетади. Бу ғоялар деҳқонларнинг 1862 и 1863 йиллар қўзғолонининг мафкуравий асосига айланиб кетди. Ҳукумат файласуфни жамиятда бош-бошдоқликни шаклланирганликда айблайди. Чхве Че У ўлдирилади, унинг таълимоти эса ҳукуматга қарши дин деб эълон қилинади.

Лекин унинг ғоялари жамият орасида яшашда давом этди. Чхве Че У ўлдирилганидан сўнг тонхак ҳаракатини Чхве Сихён бошқарди. 1888 йили у барча тонхак ташкилотларига «Секта аъзоларининг ахлоқий қоидалари»ни тарқатди ва унда таълимотнинг асосий тамойилларини баён этди:

- Инсон – бу худо, инсонни ҳақорат қилиш худони ҳақорат қилишдир
- Тенгликка инсонга инсонпарвар муносабат қилиш йўли билангина эришиш мумкин;
- Тонхак тарафдорлари у нобими, фарзанди қонунийми ёки ноқонунийми, ўз оила аъзоларини севиши ва ҳурмат қилиши лозим;
- Тонхак таълимоти конфуциячиликнинг ҳоким осмон (яратган) хоҳишига кўра тайинланган ва у худонинг ердаги элчиси деган догмасига қарши чиқади[9:349-350га қаранг]

Чхве Че У нинг ўлдирилиши оммавий чиқишларга олиб келди. 1894 йили айнан «Шарқ таълимоти» шиори остида Кореяда энг йирик деҳқонлар уруши бўлиб ўтди.

***Марифатпарварлик ва ислоҳот учун ҳаракатлар***

Чжусианликка алтернатив сифатида шаклланган Корея маърифатпарварлиги турли оқимлар таъсири остида шаклланди: «сирхак» мактаби ва Ван Ян-Мин, насронийлик ва ғарб таълимотлари, улар орасида Дарвин таълимоти, Руссо ва Монтескьеларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, Спенсер позитивизми, Смит сиёсий иқтисоди, Гегель ва Ницше фалсафалари кенг тарқала бошлади. Шу билан бир

қаторда ғарбий оврупо (Шекспир, Свифт, Байрон, Шиллер, Гюго, Гёте, Сервантес, Бальзак) ва рус ёзувчилар (Крылов, Тургенев, Достоевский, Толстой, Герцен) нинг бадиий асарлари кенг тарқалди.

Оврупо файласуфлари асарларининг кириб келиши уларни корейс зиёлилари томонидан **тўғридан - тўғри** қабул қилишларини англатмайди. Бу асарлар корейслар қўлига биринчи нашрда эмас, хитой ва япон тараққийпарварларининг таржималарида (кўпинча эркин таржимада) етиб келган. Корейслар бу асарларнинг фақатгина айрим парчалари билан танишиши имкониятига эга бўлганлар. Ўз асарларида ғарб олимлари қарашларини ифода этган ҳолда корейс маърифатпарварлари ўз навбатида уларни жуда соддлаштирганлар, Кореяга мос ҳолатга келтирганлар, [5:173дан иқтибос]. Бунда таржиманинг аниқлиги эмас, корейс жамияти ҳаётига мос муаммолар акс эттирилган сюжет йўли муҳим саналган. Шу билан бирга, «корейс маданияти вакилларининг кўпчилигида ғарбдан ўзлаштирилган ғоялар оламга конфуциячиларча қараш билан уйғунлашиб кетган эди» [9:432 дан иқтибос].

Таржима қилинган асарлар мавзусини кузатадиган бўлсак уларни мақсадга мувофиқ равишда танлангани сезиш мумкин. Бу асарларнинг етакчи мавзуси – давлат ҳаётида тарихий аҳамият касб этадиган бурилиш нуқталарини ясайдиган воқеалар; озодлик ва мустақиллик учун курашлар, миллий қаҳрамонлар ва тарихий шахслар биографияси ташкил этади – буларнинг барчаси корейс ҳалқининг озодлик учун кураши билан ҳамоҳангдир. Шу боис асарларнинг номи аслиятдаги асар номи билан кўпинча тўғри келмас эди. Жумладан, Шиллернинг швейцар ҳалқининг австриялик мустамлакачиларга қарши курашига бағишланган «Вильгельм Телль» драмаси «Швейцария давлатининг ташкил топиши» номи билан нашр эттирилган. Бу жанрдаги кенгроқ тарқалган асарлар: «Вьетнам давлати ҳалокати тарихи», «Вашингтон биографияси», «Француз императори

Наполеон ҳақида ҳикоя», «Франциянинг янги тарихи», «Буюк Петр ҳақида повесть», «Америка мустақиллиги тарихи», «Венгер қаҳрамони Кошут ҳақида қисса», «Франклин биографияси», «Польша ҳарбийлари кураши тарихи», «Италия мустақиллик кураши тарихи», «Италиянинг уч буюк қаҳрамони ҳақида ҳикоялар».

«Синсосоль» («янги повесть») номини олган бу давр бадиий адабиётида янги идеал – «конфуцианлик қоидаларига риоя қилиш билан эмас, ўз билими билан кучли бўлган комил инсон идеали» шаклланди» [5:175 дан иқтибос]. Сиёсий повестлар кенг тарқалади. Янги адабиёт асосида оврупо янги драматик театрига яқин бўлган янги драматургия ҳам шаклланади. Қўшиқ санъати йўналишида корейс шеъриятининг ғарб мусиқаси билан уйғунлашуви юз беради.

Кўпгина маърифатпарварлик ташкилотлари юзага келади: «Ўз ўзини бошқариш ташкилоти» («Чаганхве», 1906), «Ғарб таълимоти дўстлари ташкилоти» («Соухакве», 1906), «Қизиқарли илмларни ўрганувчи ташкилот» («Хынхакве», 1907) ва бошқалар. Чет элликлар томонидан таржимонларни тайёрловчи инглиз, япон, рус ва француз мактаблари ташкил этила бошлади.

Корейс маърифатпарварлик ҳаракати бир турда эмас эди. Уларни японлар тарафдорлари, хитойликлар тарафдорлари ва оврупо тарафдорлари турларига ажратиш мумкин. [ўша ерда, 168].

Илк маърифатпарвалар орасида Ким Ок Кюнни (1851–1894, «Кэхва ундон» (ислоҳотчилар ҳаракати) раҳбарини, 1884 йил Хитой ҳукумати туридаги ҳукумат ўрнатиш ва ислоҳотлар ўтказиш мақсадида ҳукуматга қарши исён иштирокчисини алоҳида эслаб ўтиш лозим. Мамлакат инқирозининг сабаби Ким Ок Кюн янбанларнинг ўзбошимчалигида деб ҳисоблайди. Шохга ёзган хатларидан бирида у ундай деб ёзади: «Ҳозир ҳамма нарса инқирозга юз тутган. Бунинг сабаби нимада? Фақат янбанлар

ўзбошимчалигидадир. Агар ҳалқ товар ишлаб чиқарар экан амалдорлар уларни шафқатсиз талайдилар, агар ҳалқ пешона тери билан озгина пул топса, амалдорлар ўша захоти уни олиб қўядилар … Шундай бир сиёсат олиб бориш керакки, унда бундай ноҳакликлар илдизи билан бутунлай емирилиб кетсин, акс ҳолда давлат инқирозга юз тутади» [9:341 дан иқтибос].

Мамлакатни модернизация қилиш учун Ким Ок Кюн Ғарб ва Америка билан дўстона алоқалар ўрнатиш, дворянлар имтиёзларини соддалаштириш, одамларни илмли қилиш, рақобатбардош савдони йўлга қўйиш лозим деб ҳисоблайди. Ким Ок Кюн ва унинг замондошлари конфуциячилик матнларига эмас математика, тарих ва чет тилларига алоҳида эътибор қаратиладиган мактабларга асос солдилар; илмий-техник адабиётларни таржима қилдилар ва тарқатдилар; чет мамлакатлар ҳақида георграфик, тарихий ва иқтисодий маълумотлар киритилган газеталар нашр эттирдилар.

Маърифатпарварлик ҳаракати лидерларидан яна бири таниқли файласуф ва публицист Пак Ын Сикдир (1850–1926).

Файласуф ўзгартишларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида фикр билдиради. Унинг фикрича бундай муносабат тараққиётнинг умумбашарий қонунига мос келади. «Борлиқнинг қонунига кўра («ли»), - деб ёзади у, - ҳамма нарса маълум бир вақтгина мавжуд бўлиш хусусятига эга, кейин эскиради, ҳар бир нарса бунёдга келади ва ўлади (тугайди), осмон ости дунёсининг қонунлари олийжаноб ва ҳаққонийдир ҳамда узоқ вақт давомида яшаш хусусиятига эга бўлгани билан улар охир оқибат ўз **халокати**га келмаслигининг иложи йўқ, уларнинг тугаши катта ёки кичик зарар келтириши аниқ, лекин улар қайта бунёдга келмайдилар» [ 11:847дан иқтибос].

Пак Ын Сик конфуциячиялик тарафдори. Бироқ, у корейс неоконфуцианчилиги Конфуций таълимотининг ҳақиқий моҳиятидан анча узоқлашган ва жиддий ислоҳотга

муҳтождир деб ҳисоблайди. Конфуцийчиликни ислоҳ қилишни талаб қилган ҳолда файласуф Ғарбий Оврупода ўрта аср католицизми «жаҳолатига» болта урган Мартин Лютер ва ислоҳотларни эслатиб ўтади.

Пак Ын Сик конфуцийчилик ислоҳотини Ван Ян-мин таълимоти билан чатишишда кўради. Жумладан, у шундай деб ёзади: «Руҳ – мендаги «Мен»нинг бошқарувчиси, барча нарсаларнинг асосидир. Ҳар сафар қачонки истак пайдо бўлса, кўнгил истак учун доим очиқлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ (агар у ёвуз бўлса). Агар кўнгил пок ва тоза бўлса, шубҳасиз оламни тан олиш ёки инкор қилишда иккиланишга ўрин йўқ, нарсалар ва ҳодисаларнинг амалий аҳамиятига ҳам шубҳа туғилмайди» [37:371дан иқтибос].

Кореядаги ислоҳотларнинг энг муҳим йўналиши маърифат, таълим тизимининг ислоҳоти, илм-фан тараққиёти деб ҳисоблайди файласуф. Жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучини айнан илмда кўради. У ўзининг «Илм инқирозга юз тутаётган бир даврда яшаш мумкинми» деган ажойиб бир мақоласида шундай деб ёзади: «Агар ер юзида миллатларнинг равнақи ёки инқирози, давлатларнинг пайдо бўлиши ёки йўқолишининг сабаблари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларга нима ҳаёт бағишлади ва нима вайрон қилди (тугатди) деган савол туғилади. Шубҳасиз, бу илмнинг равнақи ёки инқирози, унинг таъсирининг кучайиши ёки сусайиши натижасидир» [11:848 дан иқтибос].

Маърифатпарварлик ғояларининг бошқа таниқли вакиллари Син Чхэ Хо (1879–1936) ва Чу Си Ген (1876–1914)лардир. Син Чхэ Хо миллий тарихни ўрганишга катта аҳамият берди. Агар тарихни ўчириб ташласак миллат олдида давлатнинг ҳам аҳамияти қолмайди. Миллат тарихини ўрганиш аҳолини ватапарварлик руҳида тарбиялаш учун ҳам муҳим омилдир. Лекин, ватанпарварлик деганда файласуф ўзи туғилиб вояга етган ватанга бўлган муҳаббатни тушунмаган. Ватанпарварликка тарихий нуқтаи назардан ёндошиш керак. Ватанпарварлик бу ўз ҳалқининг ҳақ-

ҳуқуқларини таъминлаб бераётган давлатга садоқатдан иборатдир. Син Чхэ Хо мустақиллик учун миллий-озодлик курашининг фаол иштирокчиси бўлган. Ўз фаолияти учун у қамоққа ташланган ва япон қамоқхоналарида оламдан ўтган.

XIX аср охири XX аср бошларида асосий фаолияти ўз она тилисини ўрганишга қаратилган бир қатор маърифатпарварлар етишиб чиқадилар (Ли Бон Ун, Ю Гиль Чжун, Ким Хи Сон, Чу Си Ген). Чу Си Ген, оврупода таълим олган филолог корейс ёзувини соддалаштириш ва уни тарғиб қилиш дастури билан чиқди ва бу билан хитой тилига асосланган конфуциячиликка ҳамда мустамлакачилар томонидан японлаштириш ҳаракатига қарши чиқди. Чу Си Геннинг соф фалсафий қарашларига келсак, моддий деб тан олинадиган субстанция таълимоти тарафдори бўлган. «Чексиз бепоён, на пасти, на тепаси, на маркази, на чети бўлмаган чегарасиз борлиқда, – деб ёзади Чу Си Ген, - уни буткул тўлдирувчи ва эгалловчи ягона мавжуд, у пайдо ҳам бўлмайди йўқ ҳам бўлмайди, унинг охири ҳам боши ҳам йўқ. Оламдаги барча нарсалар ўз мавжудлигининг сабабчиси айнан удир. **Ягона**га кўра нарсалар ўзининг табиий сифатига (хусусиятига) эга ва у барча нарсанинг боши ва асосидир. **Ягона**ни табиатнинг, осмоннинг, азалиятнинг табиий қонунияти дейиш мумкин – у барча нарсаларни ўз ичига олади» [37:380 дан иқтибос].

**Япония томонидан Кореяни аннексия қилиш даврида интеллектуал атмосфера**

1905 йил ноябрида Япония, Россиянинг 1904-1905 йиллар урушида енгилганидан фойдаланиб, Кореяга ҳимоя ҳақида Шартномани тан олишга мажбур қилди ва Корея устидан проекторат ўрнатди, 1910 йил августида мамлакатни аннексия қилди. Корея Япония империясининг бир қисми бўлган генерал-губернаторликка айланди.

Мамлакатни японлаштириш бошланди. Японлар корейсларни ўз илдизини, тарихини, она тилини унутишга

мажбур қилиш вазифасини қўйдилар. Корейсларга ҳар қандай ташкилотлар тузиш ман қилинди. Корейс театр ва музейлари ёпилди, миллий байрамлар, рақслар, мусиқалар, кийимлар, корейс тилида адабиётлар нашр эттириш ман этилди. Корейс тилидаги китоблар ёқиб ташланди. Корейс тилининг ўзи эса мктбаларда «чет тили» деб эълон қилинди. Япон тили расмий тил деб эълон қилинди. Мактабдаги ўқишлар ҳам «она тили» сифатида шу тилда олиб борилди. Корейсча исм ва фамилиялар японлаштирилди.

Японлаштириш билан боғлиқ умумий сиёсат миқёсида япон синтоизмини тарғиб қилиш ҳам бошланди. Шу билан бир қаторда насронийлик миссионерлари, конфуциячилик ва буддизм ҳам фаоллашди. 20-йилларгача ғарб оқимлари орасида немис мумтоз фалсафасига замонавий фалсафа сифатида қаралarди. Японлар тазйиқига учраган маърифатпарварлик ҳаракати инқирозга юз тутди. Маърифатпарварларнинг бир қисми япон ҳукумати билан ҳамкорлик қила бошладилар, бир қисми эса – Кореяни японлаштиришга қарши курашни давом эттирдилар.

## 8 Боб. XX аср иккинчи ярмида Корея ярим оролида фалсафанинг ривожланиши

1945 йили Япония капитуляция қилинганидан кейин Корея икки қисмга ажради, АҚШ ҳарбийлари қўлида қолган жанубий қисмлар, ҳамда СССР ҳарбий кучлари қўлида қолган шимолий қисм. 1948 йили бу ҳудудлардан ҳарбий кучлар олиб чиқиб кетилди ва натижада Корея ярим оролида икки мамлакат – жанубда Корея Республикаси ва шимолда Корея ҳалқ демократик Республикаси. 1950 йилда Шимол ва Жануб ўртасида уруш бошланди, уруш 27 июл 1953 йили тинчлик ҳақида сулх тузилмагунча 3 йил давом этди. Ўшандан бери 38-параллелдан ўтадиган демаркацион линия икки Кореяни бир-биридан жратиб туради.

### Шимолий Кореяда фалсафа ва мафкура ривожланишининг хусусиятлари

КХДРда сталин-маоистлар тушунчасидаги «социализм» ва «коммунизм» қуришга қаратилган тоталитар типдаги сиёсий тизим шаклланди. Тириклигида расмий равишда «Буюк дохий жаноб Ким Ир Сен» ва «Қадрдон раҳбар Ким Чен Ир» деб номланадиган раҳбар ва унинг ўғлига қаратилган шахсга сиғиниш кучайди.

Шимолий Корея жамиятидаги ўзгаришларнинг ғоявий ва методологик асоси деб эълон қилинган «Марксизм-ленинизм» сталин-маоистлар тушунчасидаги «марксизм-ленинизм»га яқин ва аутентик марксизмдан жуда узоқ, кўпгина етакчи масалаларда эса бутунлай унга тескари. Натижада давлат мафкураси ва инсоният фалсафий ҳамда ижтимоий-сиёсий қарашларининг олий чўққиси деб эълон қилинган «чучхе» фалсафаси келиб чиқади. Бу таълимот асосида келгуси жамиятнинг асосий моҳияти тавсифи ҳам аниқлаб берилди: «коммунистик жамият – бу чучхе ғоялари ҳукм сурадиган ва амалга ошириладиган жамиятдир» [21:16].

«Чучхе»нинг асосий тезиси шундан иборатки, «инсон – ҳамма нарсанинг эгаси, у ҳамма нарсани ҳал қилади» ёки, бошқа сўз билан айтганда, «сен ўз тақдирингнинг эгасисан, тақдирингни ҳал қилиш учун куч ўзингда мавжуд» [ўша ерда]. Чучхенинг етакчи ғояси «мустақиллик» ёки «ўз кучига ишонишдир». Бу сифат, ҳамда ундан келиб чиқадиган ижодга қобилият ва онглилик, чучхе фалсафасида, инсон борлиғининг моҳиятидир. «Ижтиомий тараққиёт нуқтаи назаридан, - деб ёзади «Бугун Корея» журнали, - инсон бошқа жонзотлардан унгагина хос бўлган мустақиллик, ижодга қобилият ва онглигиги билан тубдан фарқ қилади» [15:32].

Инсонга бундай таъриф фалсафадаги энг буюк тўнтариш деб баҳоланади: «Чучхе фалсафаси ҳар бир нарса тараққиёти табиатнинг объектив ривожланиш жараёни деб тушунувчи файласуфлар қарашидан фарқ қилади. Инсон онги ривожининг энг олий чўққиси бўлган ҳолда у ижтимоий

ҳаракат қонунияти асосида биринчи бор фалсафанинг асосий муаммоларини, фақат инсонгагина хос бўлган хусусиятларни – мустақиллик, ижодий қобилият ва онглиликни биринчи бўлиб ҳал қилди. Ўзининг етакчи ғоялари ва моҳияти билан, нарсалар ривожланишининг тахлил услуби асосида, бир сўз билан айтганда, ҳар бир аспект бўйича чучхе ғоялари фалсафий қарашларда тўнтариш ясади» [ўша ерда].

Чучхе фалсафаси XX асрнинг буюк янгилиги деб эълон қилинади, шу боис янги давр ҳам «мустақиллик даври» деб эълон қилинади. Социализм ҳам шунга мос равишда таърифланади: «Социализм ижтимоий мавжуд бўлган инсоннинг асосий талабларини ўзида акс эттирган ҳамма мустақил яшасин шиорли идеални яратади» [16:17].

Чучхеда марксизмнинг етакчи ғояларидан бири бўлган ижтимоий борлиқ – моддий ишлаб чиқаришнинг бир услуби ва одамларнинг шунга мос келадиган ижтимоий ҳаёти ижтимоий онгни белгилайди деган ғояси қайта кўриб чиқилди. Чучхеда унга бутунлай қарама-қарши бўлган тезис ишлаб чиқилди: «Ижтимоий ҳаётда энг муҳим ва ҳал қилувчи омил бу сиёсий ва маънавий ҳаётдир»[15:33]. Социализм шароитида чучхе асосчиларининг фикрича, «асосни ҳокимият ёки иқтисод эмас, балки социалистик ғояни ўзида акс эттирган инсон ташкил этади» [16:17]. Шу боис уч асосий йўналиш: «чучхей инқилоби» – «иқтисодий қурилиши», «инсонни тарбиялаш» ва «жамиятни ўзгартириш»ларни олсак, бунда «инсонни қайта тарбиялаш масаласига кўпроқ эътибор қаратиш лозим» [13:3]. Шундай қилиб, чучхега хос бўлган ғоявийлик жамият тараққиётининг асосий омили бўлиб қолмоқда.

КХДРда 70-йилларда «бутун жамиятда ягона мафкура ҳукмронлигини таъминлаш» шиори ва «жамиятни чучхе ғоялари асосида қайта ўзгартириш шиори» эълон қилинди. Ҳар қандай бошқа ғоя «доҳийга, партияга ва инқилобга» қарши жиноят деб талқин этилди. Ягона мафкура тамойили

асосида марказий демократлаштириш тамойиллари мазмуни кескин ўзгариб кетди. Демократия «революцион энтузиазм» ва «партия мақсадларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш», централизм эса – омма эрки билан боғлаб «ягона, умумий эркга айланиши ва бутун партия ягона фикр ва ягона эрк асосида мушоҳада ва ҳаракат қилсин» деган ғояларга бўйсундирилди. [14:7] .

**Жанубий Кореяда фалсафанинг ривожланиши**

Чучхени давлат фалсафаси даражасига кўтариб, ундан бошқа барча фалсафий йўналишлар қонундан ташқари деб эълон қилинган Шимолдан фарқли равишда Жанубда буддизм ва конфуциячиликка ва бошқа ғарб фалсафси таъсирида вужудга келган корейс фалсафасининг турли анъанавий йўналишлари ривожланишда давом этди. Бу ҳолат анъанавий ва ғарб қадриятларининг биргаликдаги фаолиятининг маънавий-маданий ҳолатининг яққол аксидир.

Корейс фалсафасининг анъанавий йўналишларига келсак, соф анъанавий изланишлар билан бир қаторда анъанавий муаммолар ва концептуал аппаратларни ғарб фалсафасида ривож топган муаммо ва тушунчаларга боғлашга интилишни кузатиш мумкин. Бу контекстда конфуциячилик фалсафаси ва прагматизм [41], дзэн ва Витгенштейна фалсафаси [39], корейс фалсафасининг анъанавий тушунчалари ва замонавий экологик мушоҳада [42] ва бошқалар тадқиқ этилади.

Жанубий кореялик файласуфларнинг кўпчилиги АҚШда таълим олганлар. Бу ва бошқа тарихий шароитларга кўра Жанубий Кореяда ғарб йўналишларидан англо-американ оқими, ва, айниқса, аналитик фалсафа, кўпроқ ривожланди. Шундай бўлса-да, плюрализм сиёсати таъсирида мамлакатда фалсафий мактабларнинг деярли барчаси фаолият кўрсатган дейиш мумкин. 90-йиллардан бошлаб Кореяда МДҲ давлатларида таҳсил олган, ва айниқса Москва ҳамда Санкт-петербург олий даргохларида тахсил олган файласуфлар пайдо бўла бошлади.

Жанубий корейс фалсафасининг етакчи мавзуларидан бири анъанавий миллий қадриятларнинг, маданиятнинг ва образли тафаккурнинг замонавий Кореяга трансформацияси масаласидир. Бу муаммо Ғарб-Шарқ, «ота ва боллар», анаъанавийлик ва индустриаллик, коллективизм ва индивидуализм ва бошқа контекстларда тадқиқ этилади. [40:43]

Файласуфлар, тарихчилар, социологлар ва политологлар мурожаат қиладиган кейинги муҳим масала бу Кореяни бирлаштириш муаммосидир.

Жанубий Кореянинг замонавий ижтимоий-фалсафий қарашлар дунёсини қизиқтирувчи масалалар бу жинс, оила, таълим ва танозилдан кейинги давр фалсафаси каби масалалардир.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ванин Ю.В. Феодальная Корея в XIII-XIV веках. - М., 1962.
2. Гарин Н.Г. Из дневников круглосветного путешествия (по Корее, Маньчжурии и Ляодунскому полуострову). - М., 1949.
3. Гегель. Энциклопедия философских наук. Т.2. -М., 1975.
4. «Дальний Восток», 1894, 10 июня.
5. Иванова В.И. Просветительство в Корее и творчество Ли Инджика. – В сб.: Теоретические проблемы изучения литератур Дальнего Востока. - М., 1970.
6. Ионова Ю.В. Пережитки тотемизма в религиозных обрядах корейцев. – В сб.: Религия и мифология народов Восточной и Южной Азии. - М., 1970.
7. Ионова Ю.В. Представления корейцев о душе. – В сб.: Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии. -М., 1973.
8. История Кореи. Т. 1. -М., 1960. Пер. с кор.
9. История Кореи (с древнейших времен до наших дней). Т.1. -М., 1974.
10. История философии. Т.1. -М., 1957.
11. История философии. Т.5. -М., 1961.
12. Ким Бусик. Самгук Саги. Летописи Силла. - М., 1959.
13. «Корея сегодня». - Пхеньян. 1990, № 2.
14. «Корея сегодня». - Пхеньян. 1990, № 11.
15. «Корея сегодня». - Пхеньян. 1991, № 5.
16. «Корея сегодня». - Пхеньян. 1992, № 6.
17. Корея. Цифры и факты. - Сеул, 1993.
18. Ли В.Н. О просветительских тенденциях корейской литературы на рубеже XIX и XX вв. – В сб.: Теоретические проблемы изучения литератур Дальнего Востока. - М., 1970.

19. Никитина М.И. Жанр «сичжо» в корейской поэзии XV в. – В сб.: Вопросы филологии и истории стран советского и зарубежного Востока. - М., 1961.
20. Описание Кореи. - М., 1960.
21. Познакомьтесь с Кореей. - Пхеньян, 1989.
22. Троцевич А.Ф. Идеал человека в корейской средневековой повести. – Краткие сообщения Института народов Азии. Вып. 63. 1963.
23. Троцевич А.Ф. Идеи «сирхак» в корейской литературе XVIII в. – В сб.: Вопросы филологии и истории стран советского и зарубежного Востока. - М., 1961.
24. Тягай Г.Д. Общественная мысль Кореи в эпоху позднего феодализма. - М., 1971.
25. Тягай Г.Д. Формирование идеологии национально-освободительного движения в Корее. - М., 1983.
26. Ушков А.М. Некоторые вопросы истории философской мысли в Корее эпохи феодализма. – «Вопросы философии», 1962, № 5.
27. Ушков А.М. Утопическая мысль в странах Востока: традиции и современность. - М., 1982.
28. Философская энциклопедия. Т.1. - М., 1960, статья «Ан Хян».
29. Философская энциклопедия. Т.2. - М., 1962, статья «Квон Гын».
30. Философская энциклопедия. Т.2. - М., 1962, статья «Ким Си Сып».
31. Философская энциклопедия. Т.3. - М., 1964, статья «Корейская философская и общественная мысль».
32. Философская энциклопедия. Т.3. - М., 1964, статья «Ли И».
33. Философская энциклопедия. Т.3. - М., 1964, статья «Ли Ик».
34. Философская энциклопедия. Т.3. - М., 1964, статья «Ли Сэк».

35. Философская энциклопедия. Т.3. - М., 1964, статья «Ли Хван».
36. Философская энциклопедия. Т.3. - М., 1964, статья «Лю Хён Вон».
37. Чон Чин Сок, Чон Сон Чхоль, Ким Чхан Вон. История корейской философии. - М., 1966. Пер. с кор.
38. Bae-Jong-ho. The Philosophical Ideas of Yulgok. – “Korea Journal”. Vol. 28, N 11. 1988.
39. Jungsik Um. Zen and Wittgenstein. – Philosophy and Culture. -Seoul: Korean Philosophical Association. 1999. Vol. 1. N 1.
40. Jungsik Um. The Transformation of the Traditional Value in the Contemporary History of Korea. ’84 Worksshop. Association of Christian Universities and Coleges in Asia. Taipei. Fu Jen Catholic University. May 31, 1984.
41. Kwang-Sae Lee. Confucianism and Pragmatism. – Philosophy and Culture. -Seoul: Korean Philosophical Association. 1999. Vol. 1. N 1.
42. Kyung-hee Nam. Gyul: Ecological Reason. – Philosophy, Culture and Education: Asian Societies in Transition. -Seoul: Korean National Commission for Unesco. 1999. Vol. 2.
43. Pak Tong-hwan. Korean Thought: Its Development Pattern Examined Especially in the Context of Social Circumstances. – “Korea Journal”. 1981. Vol. 21. N 10.

## СОДЕРЖАНИЕ

**ВВЕДЕНИЕ** ........ 3

**Глава 1. Мифологическо-религиозные представления и зачатки философского мышления в Древней Корее** . 5

*Мифология и шаманизм в Древней Корее* ........ 5

*Формирование первых философских представлений в Древнем Чосоне* ........ 8

**Глава 2. Философия конфуцианства, буддизма и даосизма в период трёх государств** ........ 9

*Конфуцианство* ........ 9

*Буддизм* ........ 10

*Даосизм* ........ 12

**Глава 3. Развитие философии в период объединённого государства Силла и в эпоху Корё** ........ 13

**Глава 4. Развитие философии в период раннего Чосона** ........ 16

*Школа саллимхакпха* ........ 17

*Школа кванхакпха* ........ 18

**Глава 5. Развитие корейской философии в Чосоне в XV-XVI вв.** ........ 20

*Школа легистов* ........ 21

*Школа «югирон»* ........ 22

*Школа «чурипха»* ........ 27

*Школа «чугипха». Философия Ли И* ........ 30

**Глава 6. Развитие корейской философии в позднем Чосоне в XVII – первой половине XIX вв.** ........ 34

*Школа «чугирон» в XVII-XVIII веках* ........ 35

*Школа «ханьского учения»* ............................................... 36
*Школа последователей Ян Ван-мина* ................................ 37
*Философия Им Сон Чу* ..................................................... 38
*Возникновение школы «сирхак» в XVII веке* ...................... 40
*Формирование взглядов школы «сирхак» в XVIII веке.* ....... 41
*Направление «пукхак»* ...................................................... 44
*Социально-философские взгляды Чон Як Ена* .................. 50
**Глава 7. Корейская философия позднего Чосона в XIX – первой половине XX вв.** ................................................. 54
*Кризис феодализма и зарождение капиталистических отношений* ........................................................................... 54
*Кризис чжусианства* ......................................................... 57
*Философия Чхве Хан Ги* ................................................... 61
*Школа «тонхак»* ............................................................... 62
*Просветительство и движение за реформы* .................... 64
*Интеллектуальная атмосфера в период аннексии Кореи Японией* ............................................................................... 68
**Глава 8. Развитие философии на Корейском полуострове во второй половине XX в.** ............................................... 69
*Особенности развития философии и идеологии в Северной Корее* .................................................................................. 69
*Развитие философии в Южной Корее* .............................. 71
**Список использованной литературы** ............................ 73

## ДЛЯ ПРИМЕЧАНИЙ